Inson manfaatlari — oliy qadriyat

# ADOLAT

O'zbekiston «Adolat» sotsial-demokratik partiyasi

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

info@adolatgzt.uz • www.adolatgzt.uz • www.adolat.uz • № 9 (1021) • 2015-yil, 27-fevral, juma

Сайлов — 2015





## ДАСТУРДАГИ ЙЎНАЛИШЛАР сайловчиларнинг эътиборини тортди

Айни кунларда республикамизнинг барча вилоят ва туманларида, жойларда сайлов кампаниясининг муҳим палласи — Президентликка номзодларнинг сайловолди ташвиқоти қизғин суръатда давом этмоқда. Президент сайловига оид миллий қонунчилик ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг тегишли қарорига асосан номзодлар, жумладан, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Наримон Умаров сайловчилар билан учрашувларда фаол иштирок этмоқда.

Хусусан, сайловолди ташвиқоти доирасида ўтказилган ана шундай учрашувлар Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида ҳам бўлиб ўтди.

Вилоятлардаги маҳаллий Кенгаш депутатлари, жамоат арбоблари, олий ўқув муассасалари ўқитувчилари ва талабалари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этган учрашувларда 500 нафарга яқин сайловчилар қатнашди.

Йиғилиш аввалида Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзод Наримон Умаровнинг ишончли вакили — Ш.Хаитов, Ўзбекистон «Адолат» СДП Қашқадарё вилояти кенгаши раиси Абдуқаҳҳор Аҳмедов йиғилганларга номзоднинг таржимаи ҳоли, меҳнат фаолияти ҳақида батафсил маълумот берди.

Таъкидланганидек, мустақиллик йилларида жаҳон ҳамжамиятида мамлакатимиз нуфузи юқори даражага кўтарилди.

3➢

## Тенг имконият — тенг шароит

### ёки сиёсий ҳуқуқлар кафолатлари хусусида

Биз мамлакатимизда кечаётган демократик жараёнларни, ўтаётган ҳар бир кунимизни мустақиллик берган неъмат, деб биламиз. Ўтган 24 йил нафақат ижтимоий-иқтисодий, балки ҳуқуқий ва сиёсий ҳаётимизда ҳам муҳим ўзгаришларга бой бўлди.

Истиқлолга эришгунимизга қадар 1948 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси" ҳақида мамлакатимизда яшовчи камдан-кам ҳуқуқшунос-олимларгина хабардор бўлишган, холос. Мазкур умумэътироф этилган халқаро ҳужжат мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки кунларидаёқ Ўзбекистон томонидан тан олинди. Қонунчилигимиз инсонийлик ва эзгулик тамойиллари асосида тубдан ислоҳ қилинди. Асосий қонунимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият даражасига кўтарилди.

Мамлакатимизда фуқаролик жамиятининг муҳим институти сифатида кўппартиявийлик тизими қарор топди. Фуқароларнинг сайлаш ва сайланиш ҳуқуқларига алоҳида эътибор қаратилди. "Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида"ги халқаро Пактнинг 12-моддасида белгилаб қўйилган "Ҳар бир шахс ўз мамлакатида сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгадирлар", деган меъёр Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддасида мустаҳкамлаб қўйилди.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 21-моддаси сайловларга бағишланган бўлиб, "Халқ эрки ҳукуматга тегишли бўлган ҳокимиятнинг асоси бўлиши керак: бундай эрк умумий ва тенг сайлов ҳуқуқи асосида, яширин овоз бериш йўли билан аҳамиятли шакллар воситасида амалга оширилиши лозим бўлган даврий ва сохта бўлмаган сайловларда намоён бўлиши даркор", дейилган. Бу каби халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормалари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларида ўз ифодасини топди. Миллий қонунчилигимиз инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаган ҳолда ижтимоий адолат ва қонунийлик принципларига асосланиб, фуқароларнинг давлат ва жамият ишларини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқини — ҳуқуқий демократик давлатнинг муҳим тамойилларидан бири сифатида тан олди. Халқнинг давлат ва жамият ишларини бошқаришдаги иштироки белгилаб берилди.

Буларнинг натижасида, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари давлат органларига сайлайдиган ўз вакиллари орқали ёки бевосита давлат ҳокимиятини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлдилар.

Бундай ҳуқуқларни амалга ошириш жараёнларида Ўзбекистон Республикасининг ҳар бир фуқароси қонунларда белгилаб қўйилган тартибда ўз ҳуқуқларига нисбатан дахлсизлик ҳуқуқидан фойдаланишади.

Дахлсизлик ҳуқуқи, деганда аввало ташқи таъсир ва тажовузлардан, ноқонуний хатти-ҳаракат ва чекловлардан муҳофазада бўлиш ва ўз ҳуқуқини эркин амалга ошириш назарда тутилади.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган ҳар бир номзод, у қайси сиёсий партиядан эканлигидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикасининг Президенти сайлови тўғрисида"ги қонуни талабларига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган кундан эътиборан сайлов натижалари эълон қилингунга қадар дахлсизлик ҳуқуқига эга бўлади.

4➢

Фракция йиғилиши



## Қонунларнинг юқори сифати ва барқарорлигига эришиш — устувор мақсадимиз

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП фракциясининг навбатдаги йиғилишида парламент қуйи палатасининг галдаги ялпи мажлиси кун тартибига биринчи ўқишда киритилиши режалаштирилаётган бир қатор қонун лойиҳалари муҳокама қилинди.

Шунга мувофиқ, "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси фракция аъзолари томонидан қизғин муҳокама этилди.

2➢

Зулфия таваллудининг 100 йиллиги

## Дунё таниди Зулфияни, дунё севди Зулфияни



Хаёлимда, нақ юрагимнинг тўрида ҳамон ва ҳар куни бир яхши аёл яшайди. Ўша мен орзу қилиб, етишганим — овозлари мулойим, кўзлари чиройли, билими кўп ва меҳнатсевар устозим, шоира Зулфия! Мутафаккир олим, файласуф Форобий айтганидек, инсонлик моҳияти ҳақиқий бахт-саодатга эришув эканлигини Зулфияхон жуда эрта тушуниб етди. Ва бу ҳақиқатни курашчан ҳаёти, эҳтирос ва эътиқод билан яратган шеърлари, одоби, ҳаёси билан исботлади. Мана, унинг ўша ҳаётининг мадҳиясига айланган сатрлари:

**Мен ўтган умримга ачинмай қўйдим,**
**Ҳеч кимда кўрмайин умримга ўхшаш.**
**Суйдим,**
**Эркаландим.**
**Айрилдим.**
**Куйдим.**
**Иззат нима, билдим**
**Шу-да, бир яшаш!**

8➢

## Шукроналар айтиб яшайман

Муносабат

Ўз юртида қадр топиб, изззат-икромга эга бўлмоқ инсон учун чинакам бахт. Мен ҳам ўқитувчиликдек заҳматли ишда эллик йилдан ортиқ меҳнат қилиб, бугун етмиш олти ёшга етиб, меҳру ардоқда яшаб келаётганимдан беҳад мамнунман.

Ҳаёт ҳамиша силлиқ кечавермайди. Умр йўлларимда уқубатли кунлар ҳам, ширин, ҳаловатли лаҳзалар ҳам бир-бирини етаклашиб ўтган. Кўплаб синовларни бошдан кечирганман. Ҳаммасини айтаверсам, ёшлар учун бир ибратли ҳикоят бўлади. Лекин бугун дориламон кунларда яшаётганлигимни ўйласам, ўша барча қийинчиликлар унутилиб, вужудимда янги куч-қувват, янгича руҳият пайдо бўлади. Ўзимни янада тетик, эл-юрт учун фойдали ишларга қодир инсонлардек сезаман.

2➢

### Барча сайловчига — бир хил шароит

Ўн саккиз ёшга тўлаётган навқирон фуқароларимиздан бошлаб, саксон, тўқсон, юз ёшдан ошган мўътабар отахону онахонларимизгача бу сайлов яқин ва олис келажагимизнинг янада порлоқ бўлишига мустаҳкам замин бунёд этишини юракдан англаб етмоқдалар.

2

### БОҒБОН

Мен мева-сабзавотчилик соҳасида хориж тажрибасини ўрганишни кўзлаб кўп давлатларга бордим. Ва шунга амин бўлдимки, дунёнинг ҳеч бир жойида мева-чевалар серқуёш ўлкамизда етиштирилган ноз-неъматлардек ширин, фойдали витаминларга бой бўлмайди. Нега? Чунки Ўзбекистонга тўрт фасл вақтида келади, тупроғи бебаҳо, об-ҳавоси боғдорчилик учун ҳар томонлама қулай.

4

### Ҳаётий ғоя ва қарашлар уйғунлиги

— Шаҳар партия кенгашининг энг намунали қуйи ташкилотларидан бўлган мазкур БПТ сафларида кўпчилиги тиббиёт ходимларидан иборат 106 нафар аъзоларнинг 90 нафарини айнан хотин-қизлар ташкил этаётганлиги сўзимиз исботидир, — дейди ўсмирлар диспансери бош шифокори, БПТ раиси С.Айходжаева.

5

### Меҳр беринг, муҳаббат беринг...

Нима учун ўз уйида, оиласи бағрида соғ-саломат, ўйнаб-кулиб юрган кексалар "Қариялар уйи"га олиб келинганларидан сўнг бирданига касалликларга тез чалинадиган бўлиб қоладилар, яшашга нисбатан қизиқиш-интилишларини йўқотадилар ва қисқа муддат ичида ҳаётларини поёнига етказадилар?

7

# Қонунларнинг юқори сифати ва барқарорлигига эришиш — устувор мақсадимиз

Давоми. Боши 1-бетда

Таъкидланганидек, таклиф этилаётган қонун лойиҳаси 2014-2015 йилларда Инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни рағбатлантириш самарадорлигини оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар Дастурининг тегишли бандлари ижросини таъминлаш мақсадида тайёрланган.

Қонун лойиҳаси билан "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонуннинг янги таҳририга акциядорлар умумий йиғилишида жамиятни ўрта ва узоқ муддатга ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш, жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича амалга оширилаётган чоралар тўғрисидаги кузатув кенгаши ва ижроия органи ҳисоботларини мунтазам эшитиб бориш каби мазмундаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш кўзда тутилмоқда.

Муҳокамалар жараёнида мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши республикада акциядорлик жамиятлари корпоратив бошқарувини фаол ривожлантириш ва самарали шаклланишига ҳамда жамият миноритар акциядорларининг қонуний манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлашга хизмат қилиши таъкидланди.

**Зафар СУЛТОНОВ,**
**Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзоси:**

— Маъмурий, жиноят, хўжалик қонунчилигида амалдаги "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонун ижросини таъминлайдиган маъмурий-ҳуқуқий, суд-ҳуқуқ механизмлари кўзда тутилмаган эди. Таклиф этилаётган қонун лойиҳаси қонунчиликдаги айни шу ва бошқа бўшлиқларни бартараф этиш имконини беради.

Хусусан, унда йирик акциядорларга, яъни 25 фоиздан ортиқ акция эгаларига дивидендлар мазкур жамиятнинг миноритар акциядорлари олдида дивидендлар бўйича қарздорлик мавжуд бўлмаслик шарти билан тўланиши, акциядорларнинг умумий мажлисида жамиятнинг ўрта ва узоқ муддатли стратегияси тасдиқланиши, ижро органи ва кузатув кенгашининг жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича ҳисоботларини мунтазам эшитиб боришга оид нормаларни белгилаб қўйиш назарда тутилаяпти.

Мазкур қонун лойиҳасини муҳокама қилиш жараёнида фракциямиз аъзолари қонунларнинг юқори сифати ва барқарорлигига эришиш, уларни ҳаётга татбиқ этишнинг ишончли механизмини яратишга доир дастурий ғояларимизга асосланишди ҳамда уни концептуал жиҳатдан қўллаб-қувватлашди.

Йиғилишда фракция аъзолари "Хусусий мулк ҳуқуқларини кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасини ҳам кўриб чиқдилар.

Ушбу қонун лойиҳасининг мақсади норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда хусусий мулк тушунчасини ва унинг нодавлат мулкидан фарқини аниқ ифодалаш, қабул қилинган қонунларга мувофиқ иқтисодиётнинг хусусий сектори устуворлигини, уни қўллаб-қувватлашни ва дахлсизлигини амалда таъминлашдир.

Депутатлар қонун лойиҳасини моддама-модда кўриб чиқиш жараёнида уни қабул қилишнинг бугунги кундаги заруриятига асосий эътиборни қаратдилар.

Қайд этилишича, республикамизнинг амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида ифода этилган хусусий мулк тушунчаси нодавлат мулки тушунчаси билан бир хил мазмунга эга, яъни давлатга тегишли бўлмаган мулк, ўз моҳиятига ва қонунчиликнинг амалдаги нормаларига кўра хусусий мулк ҳисобланади. Ушбу ҳолатда таҳлилий-статистика маълумотларни юритишда хусусий мулкдан жисмоний шахслар мулкининг улушини ажратиш учун нодавлат мулки ва хусусий мулк тушунчаларига изоҳ бериш зарурияти мавжуд.

Қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси, Жиноят-процессуал кодекси, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси, Фуқаролик кодекси, Уй-жой кодекси, Солиқ кодексига, Ўзбекистон Республикасининг "Деҳқон хўжалиги тўғрисида"ги ва "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни назарда тутади.



**Алишер МАХМАТМУРОДОВ,**
**Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзоси:**

— Муҳокамалар жараёнида қайд этилганидек, ҳуқуқни қўллаш амалиётида ҳанузгача мулк ҳуқуқи кафолатларига сўзсиз риоя этиш механизми лозим даражада йўлга қўйилмаганлиги сабабли амалдаги қонунчиликка ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш зарурияти мавжуд эди. Таклиф этилаётган қонун лойиҳаси билан хусусий мулкни ва хусусий тадбиркорлик ҳуқуқларини ҳимоя қилишни кучайтириш, шунингдек, хусусий мулкни олиб қўйишда айбдор шахсларнинг, жумладан, мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига хусусий мулк ҳуқуқини бузиш, яъни бевосита ёки билвосита мулк ҳуқуқини қонунга хилоф равишда чеклаш ва (ёки) ундан маҳрум қилишга қаратилган ҳаракатларни содир этиш, номақбуллиги олдиндан маълум бўлган шартларни мулкдорга мажбуран қабул қилдириш, шу жумладан, ундан мол-мулкни ёки бошқа мулкий ҳуқуқларни топширишни асоссиз равишда талаб қилиш, шунингдек, унинг мол-мулкини тортиб олиш ёхуд уни ўз мулкига бўлган ҳуқуқидан воз кечишга мажбур қилишда айбдор шахсларни жиноий ва маъмурий жавобгарликка тортиш мақсадида қўшимчалар киритиш назарда тутилмоқда.



Мазкур қонун лойиҳаси ҳуқуқни қўллаш амалиётида мулк ҳуқуқи кафолатларига сўзсиз риоя этиш механизмини кучайтиришга, тадбиркорларнинг фаолиятига халақит бераётган тўсиқларни бартараф этишга хизмат қилиши билан партиямиз дастурий мақсад-вазифаларига мос келади. Қонун ижодкорлиги жараёнида адолат ва ҳақиқат ғояларини илгари суриш, уларнинг мукаммаллиги ва бир хил тушунилишини таъминлаш депутатлик корпусимиз қонунчилик фаолиятининг асосий мезони бўлганлиги сабабли мазкур қонун лойиҳаси фракциядошларимиз томонидан маъқулланди.

Йиғилиш кун тартибидаги "Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартириш киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси ҳам депутатларнинг қизғин мунозараларига сабаб бўлди.

Мазкур қонун лойиҳасининг мақсади мамлакатимиз аҳолиси орасида йод етишмовчилигини бартараф этиш, унинг салбий оқибатлари олдини олишга қаратилган.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, бугунги кунда йод танқислиги касалликлари дунёнинг 130 та мамлакатида долзарб муаммога айланган. Яъни, бугун дунё аҳолисининг учдан бир қисмидан кўпроғи йод танқислиги касалликларининг ривожланиш хавфи юқори шароитларда яшамоқда.

**Муҳаррам ДАДАХОДЖАЕВА,**
**Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзоси:**

— Инсон организмида йод етишмаслиги унинг ақлий ривожланиши ва интеллектуал салоҳиятининг пасайишига ҳамда қалқонсимон без касалликларига сабаб бўладиган омиллардан саналади.

Албатта, мамлакатимизда йод танқислиги касалликларининг олдини олишга катта эътибор қаратиб келинмоқда. Хусусан, бугунги кунда унинг олдини олишни бошқариш бўйича 10 га яқин ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар мавжуд. Шунга қарамай бугунги кунда соҳага доир қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартишлар киритиш зарурати мавжуд.

Маълумки, йод танқислиги ҳолатларининг олдини олишда энг самарали ва хавфсиз усуллардан бири барчани йодланган ош тузи билан таъминлашдир.

Таклиф этилаётган қонун лойиҳаси билан амалдаги қонунчиликка йодланган ош тузи ишлаб чиқариш, сотиш ва истеъмол қилиш соҳаларидаги муносабатларни тартибга солиш, аҳолини фақат сифатли йодланган ош тузи билан тўлиқ таъминлаш йўли орқали йод етишмаслиги касалликларининг олдини олиш ва камайтиришга оид нормалар киритилмоқда.

Маълумки, "Адолат" социал-демократик партияси мамлакатимиз келажаги соғлом ва ҳар томонлама уйғун ривожланган ёшлар қўлида, деб ҳисоблайди. Шу билан бирга, партиямиз аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишда профилактика ишларини кучайтиришга устувор вазифа сифатида қарайди. Шу нуқтаи назардан келажак авлоднинг, умуман, миллатимизнинг интеллектуал, таълим ва касбий салоҳиятининг йўқолишига олиб келадиган салбий оқибатларнинг олдини олишга хизмат қилувчи мазкур қонун лойиҳаси партиямиз Сайловолди дастурида илгари сурилган ғоя ва мақсадларга тўла мос келади.

Фракциямиз аъзоларининг фикрича, мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши миллат генофонди мустаҳкамланишига, унинг ақлий, интеллектуал салоҳияти юксалишига, умуман, аҳолининг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоясига йўналтирилган амалдаги қонунчилик базасини такомиллаштиришга хизмат қилади ҳамда эпидемиологик ҳолатни яхшилаш, ушбу касалликлар профилактикаси даражасини кўтариш имконини беради.

"Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ҳам депутатларнинг қизғин муҳокамаларига сабаб бўлди.

"Соғлом бола йили" Давлат дастури ижроси доирасида ишлаб чиқилган мазкур қонун лойиҳасида Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга қонунчилик амалиётида "Алкоголь ва тамаки маҳсулотларини тарқатиш ва истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида"ги қонунни жорий қилиш ва ижро этилишининг самарали механизмларини яратишни назарда тутувчи ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш таклиф этилмоқда.

Хусусан, киритилаётган ўзгартишлар ва қўшимчалар билан махсус ажратилган жойлардан ташқари жамоат жойларида ва ёнғин чиқиш хавфи бўлган жойларда чекиш, алкоголь ичимликларини қуйиб сотиш рухсат берилган савдо ва умумий овқатланиш объектлари ҳамда тўй, юбилей ва бошқа тантаналар, маросимларни ўтказиш жойларидан ташқари жамоат жойларида спиртли ичимликларни ичишни чекловчи нормалар назарда тутилмоқда.

**Шуҳрат ПОЛВОНОВ,**
**Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзоси:**

— Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг айрим моддаларига киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчаларга мувофиқ, юқоридаги чекловларни бузган шахсларга нисбатан жавобгарлик чоралари кучайтирилмоқда. Жумладан, жамоат жойларида тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиш энг кам иш ҳақининг бир баравари миқдорида, худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилса энг кам иш ҳақининг икки баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Шунингдек, алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишни тарғиб қилиш энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда, худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган тақдирда энг кам иш ҳақининг беш бараваридан етти бараваригача миқдорда жаримага тортилади.

Мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши аҳолини ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоялаш соҳасидаги давлат сиёсатининг жорий ҳуқуқий базасини тўлдиради, алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиш билан боғлиқ бўлган туғма жисмоний нуқсонлар, барвақт ногиронлик ва ўлим ҳолатларининг камайишига кўмаклашади ва натижада ҳар томонлама ривожланган баркамол авлодни тарбиялашга хизмат қилади.

Йиғилишда кўрилган барча масалалар юзасидан фракция аъзоларининг партия позициясидан келиб чиқадиган таклиф-тавсиялари тингланди ва фракция нуқтаи назари белгилаб олинди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси фракциясининг 24 февраль куни бўлиб ўтган йиғилишида Қонунчилик палатасининг 2015 йилга ва ундан кейинги йилларга мўлжалланган қонун ижодкорлиги, назорат-таҳлил фаолияти ҳамда ташкилий-ҳуқуқий тадбирлар Дастурининг лойиҳаси муҳокама этилди.

Дастур лойиҳасида асосий эътибор сиёсий партия фракцияларининг палата фаолиятини ташкил этиш, қонун лойиҳалари ташаббусини илгари суриш, партияларaро рақобатни ривожлантириш, давлат ҳокимияти органлари фаолияти устидан парламент назорати самарадорлигини янада оширишдаги ролини кучайтиришга қаратилган.

Муҳокамаларда мазкур Дастур лойиҳаси Қонунчилик палатасидаги барча фракцияларнинг фикр-мулоҳазаларини инобатга олган ҳолда ҳар бир партиянинг дастурий вазифаларига асосланиб тайёрланганлиги алоҳида таъкидланди. Унда белгиланган режа ва чора-тадбирлар парламент ва депутатлар ролини янада кучайтириш, сиёсий партиялар ва фракцияларнинг мамлакатни модернизация қилиш ва демократлаштириш, "кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари" тамойилини амалга ошириш, мамлакатни барқарор иқтисодий ривожлантириш, аҳоли фаровонлиги ва турмуш сифатини ошириш, мамлакатимизнинг ривожланган демократик давлатлар қаторидан ўрин олишига эришишдаги иштирокини кучайтиришга хизмат қилиши фракция аъзолари томонидан эътироф этилди.

**Қодир ЖЎРАЕВ,**
**Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзоси:**

— Дастур лойиҳасини муҳокама этишда фракциядошларимиз қабул қилинган қонунларнинг таъсирини ўрганишга, шу жумладан, замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий, суд-ҳуқуқ ислоҳотларини чуқурлаштиришга қаратилган ўзаро алоқанинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштиришга ҳамда қонун лойиҳаси устида иш олиб боришга кўпроқ эътибор қаратишни таклиф этдилар. Шу билан бирга, парламент томонидан қабул қилинган қонунларнинг, мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларининг ижро этилиши билан боғлиқ депутатларнинг ишларини ёритиб боришга оммавий ахборот воситаларини фаол жалб қилишга доир фикрлар билдирилди.

Бизнинг фикримизча, қонун лойиҳаларини муҳокама этиш жараёнида кенг жамоатчилик вакилларини жалб қилиш, аҳолига қонун лойиҳаларининг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини етказиш, улар юзасидан қонун ҳужжатларининг лойиҳаларини маромига етказиш жараёнида фойдаланилиши мумкин бўлган таклифлар ва фикр-мулоҳазалар олиш лозим. Шунингдек, янги қабул қилинган қонунларнинг самарали рўёбга чиқарилишини таъминловчи қонуности ҳужжатларини ўз вақтида ва сифатли ишлаб чиқиш ҳамда қабул қилиш устидан парламент назоратининг самарали механизмини ҳам яратиш зарур.

**Шуҳрат ЯКУБОВ,**
**Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзоси:**

— Дастурда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2015 йилга ва кейинги йилларга мўлжалланган қонун ижодкорлиги, назорат-таҳлил ва ташкилий-ҳуқуқий фаолияти йўналишида Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритилиши режалаштирилаётган бир қатор қонун лойиҳалари айнан партиямиз дастурий ғояларига тўла ҳамоҳанглиги билан аҳамиятлидир. Хусусан, "Парламент назорати тўғрисида"-ги, "Электрон ҳукумат тўғрисида"ги, "Ички ишлар органлари тўғрисида"ги, "Электрон тижорат тўғрисида"ги, "Қайта тикланадиган муқобил энергия манбалари тўғрисида"ги қонун лойиҳалари ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг "Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Миллий ҳаракат Дастури" қарор лойиҳасини ишлаб чиқиш фракциямиз аъзолари зиммасига катта масъулият юклайди.

Йиғилишда фракция аъзолари партия позициясидан келиб чиққан ҳолда Дастур лойиҳасини янада такомиллаштиришга қаратилган аниқ таклифларни ишлаб чиқдилар ҳамда ишчи гуруҳга тақдим этишга келишиб олдилар.

**Илёс САХАТОВ,**
«Adolat» мухбири

# Шукроналар айтиб яшайман

Давоми. Боши 1-бетда

2015 йилнинг "Кексаларни эъзозлаш йили" деб эълон қилинганлиги кўксимизни тоғдек ғурурлантириб юборган эди. Энди эса йил муносабати билан кўпдан-кўп ижтимоий ғамхўрликларни ўз ичига олган Давлат дастури қабул қилинганини матбуотда ўқиб, очиғи, инсонпарвар жамиятимизга таҳсинлар айтдим. Саккиз нафар фарзандим, элликдан ортиқ невара-эвараларимга бош бўлиб, шу азиз Ватан тинчлиги, бахту иқболи учун бор кучимизни бериб яшашга, меҳнат қилишга иштиёқ сездим.

Дастурнинг ҳар битта банди кекса ёшдаги инсонлар учун алоҳида ғамхўрлик мазмуни билан суғорилган. Хусусан, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва фронт ортидаги фахрийларни рағбатлантириш, манзилли ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлашни кучайтириш ҳақидаги кўрсатмалар ҳозирданоқ амалда ўз ифодасини топмоқда. Чунончи, февраль ойининг ўтган ҳафтаси мамлакатимизда, шу жумладан, Самарқандда ҳам "Саломатлик ҳафталиги" деб эълон қилиниб, бу доирада кўплаб савоб ишлар амалга оширилганига гувоҳман. Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасининг етук мутахассис, шифокорлари ўнлаб кекса, ногиронларни бепул тиббий кўрикдан ўтказишди. Уларга даволанишга йўлланма берилди ёки имтиёзли нархларда дори-дармонлар тарқатилди.

Бундай меҳр-оқибатни кўрган кексаларнинг дили яйраб, яшашга иштиёқи ортиши, дориламон кунларнинг қадрига етиб, ёшларга насиҳатгўй бўлиб, дуоларга қўл очишини ҳам биз тенги кишиларнинг ўзига хос миннатдорчилиги, деб биламан.

Ҳа, меҳр кўргиз, меҳр топ, дейишган. Жаҳон миқёсида иқтисодий таназзуллар ҳануз давом этаётгани оқибатида айрим давлатлар ижтимоий харажатлар юкини кўтаролмай қолаётган бир шароитда Ўзбекистонда ижтимоий ҳимоя, ижтимоий ғамхўрлик давлат сиёсатининг бош мақсади сифатида амал қилиб келмоқда. Турмуш фаровонлигини яхшилаш билан боғлиқ янги-янги имкониятлар, ташаббуслар ишга солинмоқда. Бунга жавобан кекса-ю ёш ҳар биримиз шу Ватан истиқболи учун янада фидойи, жонкуяр бўлиб яшамоғимиз лозим.

**Нажмиддин БОЙМУРОДОВ,**
Ўзбекистон "Адолат" СДП аъзоси,
меҳнат фахрийси, *Булунғур тумани*

**Тараддуд**

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг миқёсли демократик ислоҳотларнинг яна бир ёрқин ифодасига айланмоқда. Тобора яқинлашаётган бу муҳим сиёсий тадбирга қандай тайёргарлик кўрилаётгани ҳақида 1-Қорақалпоғистон сайлов округ комиссияси раиси К.Каримов мухбиримизга қуйидагиларни сўзлаб берди:

# Барча сайловчига — бир хил шароит

— Халқимизнинг дунёқарашида юз бераётган ҳаётбахш ўзгаришларни сиёсий ислоҳотлар жараёнида теранроқ ҳис қиляпмиз. Мамлакат парламенти ва маҳаллий Кенгашларга 2014 йилги сайлов мисолида бунга яна бир бор амин бўлдик. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик ишлари ҳам демократик давлатимизнинг мустаҳкам негизига айланаётган кучли фуқаролик жамиятидаги фаолликнинг ўзига хос намойиши бўлаётир. Ўн саккиз ёшга тўлаётган навқирон фуқароларимиздан бошлаб, саксон, тўқсон, юз ёшдан ошган мўътабар отахону онахонларимизгача бу сайлов яқин ва олис келажагимизнинг янада порлоқ бўлишига мустаҳкам замин бунёд этишини юракдан англаб етмоқдалар. Сайлов округимиз таркибида 1 миллион 159795 нафар сайловчи қамраб олиниши назарда тутилган жами 589 та сайлов участкаси бирлашган.

Мамлакатимизнинг ҳамма ҳудудларида бўлганидек, Қорақалпоғистон Республикасида ҳам мавжуд сайлов участкаларида сайловчиларга бир хил даражадаги шароитлар яратишнинг барча чоралари кўрилмоқда. Аввало, бугунги кўркам ҳаётимиз пойдеворини барпо этишда меҳнатлари синган кекса авлоднинг ўз конституциявий ҳуқуқидан тўлиқ фойдаланиши учун зарур бўлган қулайликларга алоҳида эътибор беріляпти. "Кексаларни эъзозлаш йили"да ўтказилаётган бу йирик тадбирга ҳозирлик кўриш ишларида, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайловчилар ва электорат вакиллари билан қизғин, самимий учрашувларида "Нуроний" жамғармаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, Хотин-қизлар қўмиталари фаоллари яқиндан иштирок этмоқдалар, юртдошларимизни истиқлол ғоялари атрофида жипслашишга ундамоқдалар. Учрашувларда "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастуридан келиб чиқадиган долзарб вазифаларга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда.

Айни чоғда тобора яқинлашаётган сайловда биринчи марта овоз бераётган 972 нафар қорақалпоғистонлик йигит-қизларнинг Конституциямизда мустаҳкамлаб қўйилган сайлаш ҳуқуқидан илғор ҳаётий нуқтаи назарга таянган ҳолда фойдаланишлари учун етарли шарт-шароитлар яратилмоқда. Бу борада "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг кенг фаолияти юқори самара бераётир. Сайлов мавсумининг ҳал қилувчи босқичларидан бири — сайловолди ташвиқоти юксак даражада давом этмоқда. Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан ҳамкорлигимиз ҳам жаҳон андозалари даражасида уюштириляпти. Асосий мақсадимиз 29 март куни ўтказиладиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини халқаро ва демократик андозалар, мазкур йўналишдаги мукаммал миллий қонунчилик талаблари асосида ҳар томонлама очиқ, ошкора, сайловчиларнинг фаол иштироки асосида ташкил этишдан иборат!

"Adolat" мухбири
**Ҳаётбек ҚЎЧҚОРОВ** ёзиб олди.

# ДАСТУРДАГИ ЙЎНАЛИШЛАР

## сайловчиларнинг эътиборини тортди

Давоми. Боши 1-бетда

Бунга, албатта, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш, ҳуқуқий демократик давлат қуришга қаратилган кенг кўламли ислоҳотларни амалга ошириш орқали эришилиб, натижада халқимизнинг турмуш даражаси сезиларли даражада ўсгани алоҳида эътироф этилди.

Номзод Н.Умаров сайловчилар билан учрашувларда ўз сайловолди дастури юзасидан нутқ сўзлар экан, бошқарувда очиқлик, шаффофлик ва ҳисобдорлик тамойилларини таъминлаш, ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг муҳим масалаларини ечишда қарорларни шакллантириш ва қабул қилиш жараёнида жамоатчиликнинг фаол иштирокини таъминлаш, уларни амалга оширишда жамоат назоратини кучайтиришга оид ғояларнинг амалдаги ифодаси Ўзбекистонимизни ҳар соҳада ривожлантириш, мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлигини таъминлаш, халқимиз учун тинч ва фаровон турмуш шароитини яратишга хизмат қилишини таъкидлади. Олтита устувор йўналишлардан иборат сайловолди дастурида жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, ёшидан, миллатидан, ижтимоий-иқтисодий аҳволи, келиб чиқишидан қатъи назар, барчага тенг имкониятлар тақдим этилиши, шунингдек, янги технологияга асосланган иқтисодиёт давлатимиз қудратини ошириши, ижтимоий соҳанинг тараққий этишига хизмат қилишига оид ғояси мужассамлиги ва бу борадаги аниқ вазифалар белгиланиши йиғилганларнинг эътиборини қаратди.



— Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Наримон Умаровнинг сайловолди дастури билан танишдик, — дейди Термиз давлат университети талабаси Шавкат Шукуров, — Сайловолди дастурда келажак авлод манфаатларига доир бир қатор долзарб вазифаларнинг белгиланганини, биз, ёшларни бефарқ қолдирмайди, деб ўйлайман. Айниқса, унда белгиланган устувор йўналишлар қаторида иқтисодиётнинг истиқболдаги талабларидан келиб чиққан ҳолда кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини мукаммаллаштириш борасида кўтарилган таклифлар диққатга сазовор. Қолаверса, дастурда ушбу йўналишда асосий эътибор олий ўқув юртларининг инновацион фаолиятини қўллаб-қувватлаш, уларнинг фан, ишлаб чиқариш ва иқтисодиёт билан ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, мамлакат таълим тизимининг мутахассисларни мақсадли тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга қаратилганлиги янада аҳамиятлидир. Бу борада фундаментал илм соҳасини қўллаб-қувватлашни кучайтириш, илм-фан ва таълимга сармоялар, шунингдек, янги технологиялар киритиш каби таклифлар билдирилганлиги эса ушбу вазифаларни амалиётга татбиқ этишда муҳим аҳамиятга эга, деб ўйлайман.

— Номзоднинг сайловолди дастурида ижтимоий адолат, қонун устуворлиги ва барча фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, конституциявий ҳуқуқ ҳамда эркинликларини мужассам этадиган ғояларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаши, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жараёнлар янада инсонпарварлик ва ижтимоий хусусият касб этишида фаол иштирок этиш каби социал-демократик ва миллий қадриятларимизга мос ғояларни учратиш мумкин, — деди халқ депутатлари Қашқадарё вилоят Кенгаши депутати, Ғузор туманидаги 2-умумтаълим мактаби директори Нодира Руяпова. — Шу билан бирга, мамлакатимизда тиббиёт соҳасини янада ривожлантиришга оид фикр ва ғоялар кўпчиликка манзур бўлишига ишонаман. Хусусан, номзод сайловолди дастурида аҳоли орасида тиббий маданият ва соғлом турмуш тарзининг қарор топишига эришиш, улар саломатлигини муҳофаза қилиш, аҳолининг ўртача умрини янада узайтириш, кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини кескин ошириш ва энг аввало оила, мактаб ҳамда мактабгача таълим муассасалари доирасида болаларни тиббий хизматлар билан таъминлаш самарадорлигини янада ошириш каби вазифалар ижтимоий тараққиётимизни жадаллаштиради, деб ҳисоблаймиз.

Учрашувларда Ўзбекистон "Адолат" СДП Денов туман кенгаши раиси А.Бўриев, Ўзбекистон "Адолат" СДП Термиз шаҳар кенгаши раиси Б.Ашуров, Музработ туман партия кенгаши раиси А.Жўраев, халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгаши депутати Д.Мўминова, Термиз ахборот технологиялари ва маиший хизмат касб-ҳунар коллежи директори Ў.Тошбоев, шунингдек, Ўзбекистон «Адолат» СДП Муборак туман кенгаши раиси Р.Ҳамроев, Косон педагогика-иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи директори М.Мустафоева, Чоршанбе қишлоқ фуқаролар йиғини раиси С.Раҳмонов, Ўзбекистон «Адолат» СДП Китоб туман кенгаши раиси Ш.Раҳмонов, вилоят партия кенгаши «Аёллар қаноти» етакчиси А.Зайнутдиновалар сўзга чиқиб, номзоднинг сайловолди дастуридан ҳокимият ва жамият ўртасида самарали ҳамкорликни барпо этиш, ҳокимиятнинг барча даражаларидаги бошқарув вакиллари ҳамда фуқаролар ўртасида очиқ мулоқот ва тўғридан-тўғри муносабатларни барпо этиш, айниқса, вакиллик органлари долзарб муаммоларни очиқ ва ошкора равишда муҳокама қилиш, уларнинг энг мақбул ечимларини ишлаб чиқиш, тавсия этиш майдони бўлиши лозимлигига оид фикрлар мужассамлиги, бундан ташқари, судларнинг демократлаштирилиши, холислиги, барча фуқароларга баробарлиги, фаолияти очиқлиги, суд жараёни иштирокчиларининг тенг ҳуқуқлилиги, адвокатура институти ҳуқуқ ва ваколатларининг янада кенгайтирилишига оид вазифаларнинг аниқ белгиланганини давлат ва жамият барқарорлигини таъминлашга хизмат қилишини таъкидлашди.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Наримон Умаров Тошкент шаҳри сайловчилари билан учрашди.

200 га яқин сайловчи иштирок этган учрашув аввалида Президентликка номзод Н.Умаровнинг Тошкент шаҳар округи бўйича ишончли вакили Парида Парманова йиғилганларни номзоднинг таржимаи ҳоли билан таништирди.

Номзод ўз сайловолди дастурини ўқиб эшиттириш баробарида ҳар бир юртдошимиз ва юртимиз меҳмонлари сўнгги йилларда мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар кўлами ва миқёсини, аввало, пойтахт Тошкент шаҳри ва ундаги бунёдкорликлар, ўзгаришлар мисолида чуқур ҳис қилиши мумкинлигини эътироф этди.

Н.Умаровнинг сайловолди дастурида аҳоли даромадларининг ошиши иқтисодий ривожланишнинг энг муҳим омиллари сифатида қаралиб, у тўлов қобилиятини кучайтириб, меҳнаткашларнинг оиласи муносиб ҳаёт кечиришини таъминлаш баробарида ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ҳам оширишига алоҳида эътибор қаратилган. Қолаверса, илғор инновацион тафаккурни тарбиялайдиган таълим тизимини такомиллаштириш, шунингдек, иқтисодиётни ривожлантиришнинг "яшил йўл"га ўтишида давлатнинг етакчилик ролини оширишга оид вазифалар белгиланган аҳамиятлидир. Бундан ташқари, учрашувда номзоднинг қайта тикланувчи энергия манбаларини комплекс ривожлантириш орқали рақобатбардош, муқобил энергия бозори яратилишини рағбатлантиришга муҳим масала сифатида қараши йиғилганларнинг эътиборини тортди.

Учрашувнинг музокаралар қисмида халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати, партия депутатлик гуруҳи раҳбари, Тошкент педиатрия тиббиёт институти ректори Б.Даминов, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати, Сергели туман хотин-қизлар қўмитаси раиси Д.Раҳимжонова, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати, Ўзбекистон "Адолат" СДП Миробод туман кенгаши раиси Т.Матибаев ва бошқалар Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг сайловолди дастурини қўллаб-қувватлаб сўзга чиқди ва пойтахтимиз аҳолисини шу йил 29 март куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида фаол иштирок этишга чақирди.

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси мамлакатимиз фуқароларини сайловда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Наримон Умаровга овоз беришга чақиради!

**Саодат СОДИҚОВА,**
«Adolat» мухбири

**2015 ЙИЛ 29 МАРТ, ЯКШАНБА –**
**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИ КУНИ**

**КУЧ – АДОЛАТДА !**



O'ZBEKISTON
ADOLAT
SOTSIAL-DEMOKRATIK
PARTIYASI

**Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясидан номзод Наримон Умаровга овоз беринг!**

# Тенг имконият — тенг шароит

## ёки сиёсий ҳуқуқлар кафолатлари хусусида

Давоми. Боши 1-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодни сайланишга бўлган ҳуқуқини чеклаш, мажбурий келтириш, унинг шахсий буюмларини, юкини, транспортини, турар жой ва хизмат биноларини кўздан кечириш тақиқланади.

Қонунчиликда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар учун сайлов комиссиялари, давлат органлари, жамоат ташкилотлари, мансабдор шахслар ва барча фуқаролар томонидан эътиборга олиниши мажбурий бўлган бундай иммунитетнинг назарда тутилиши, аввало, ҳар бир номзоднинг ўз сиёсий ҳуқуқларини эркин рўёбга чиқаришга, сайловолди ташвиқотларида тенг ҳуқуқлилик асосида қатнашишга ва номзодлар учун яратилган барча шароитлардан адолатли фойдаланишга қаратилган ва бу албатта номзодларнинг дахлсизлик ҳуқуқини тўлиқ кафолатлайди.

Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга нисбатан сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш чоғида ҳам, сайловолди йиғилишларида сўзга чиқиш, телевидение кўрсатувлари ва радио эшиттиришларида қатнашиш вақтида ҳам, келгуси фаолият дастурлари билан таништиришда ҳам ҳеч қандай чекловлар ва фарқлашлар, бирон-бир тўсиқлар бўлиши мумкин эмас.

Энг муҳими, қонунчилигимизда назарда тутилган дахлсизлик иммунитети номзодларнинг қонунга хилоф равишда маъмурий ёки жиноий таъқиб қилинишини, шундай усуллар билан қўрқитилишини, ўз номзодини олишга мажбур қилинишини чеклайди ҳамда шахсий ва мулкий дахлсизлигини, сайловолди фаолиятини эркин ва тенгҳуқуқлилик асосида юритишини кафолатлайди. Шунингдек, номзоднинг шаъни ва қадр-қимматини, хат ёзишмалар, телефон сўзлашув, телеграф хабарлари ёки бошқа хабарлар сир сақланишини ва оила сирларини, турар жой дахлсизлигини ҳимоя қилади.

Ушбу жараённи ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан самарали ва ошкора ўтказилишига ёрдам беришда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг ишончли вакилларининг ўрни беқиёс. Қонунчилигимизга кўра, ҳар бир номзод 15 нафарга қадар ишончли вакилларга эга бўлишга ҳақли бўлиб, улар Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг тақдимномасига кўра Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси рўйхатидан ўтган бўлиши ҳамда Марказий сайлов комиссияси уларга тегишли гувоҳномаларни берган бўлиши лозим. Ишончли вакиллар номзодга сайлов кампаниясини ўтказишда ёрдам берадилар, уни Ўзбекистон Республикасининг Президенти этиб сайлаш учун тарғибот олиб борадилар. Давлат ва жамоат ташкилотлари сайлов комиссиялари билан бўладиган муносабатларда номзоднинг манфаатини ҳимоя қиладилар.

Ишончли вакилларнинг маълумот беришларича, шу кунларда жойларда сайловолди ташвиқот кампанияси доирасида ўтказилаётган учрашувларда сайловчиларнинг фаол иштироки, уларнинг номзодлар сайловолди дастурлари билан, мамлакат аҳамиятига молик масалалар юзасидан номзодларнинг нуқтаи назарлари билан қизиқаётганликларида яққол намоён бўлмоқда. Айни пайтда сайловчилар билан учрашувлар чоғида мамлакатимиз фуқаролари Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлаш бўйича сайловолди кампаниясида ихтиёрий равишда қатнашиши, фуқароларнинг хоҳиш-ирода билдиришлари устидан назорат этилишига йўл қўйилмаслиги бўйича қонунчиликда белгиланган меъёрларга тўлиқ амал қилинаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан 2015 йил 14 февраль куни рўйхатга олинган Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзод Наримон Умаров ҳам ўзининг сиёсий ҳуқуқларидан тўлақонли фойдаланиб келмоқда. Унинг дахлсизлик ҳуқуқлари ҳар томонлама кафолатланган.

Бошқа сиёсий партиялардан кўрсатилган номзодлардан кам бўлмаган миқдор ва даражада ташвиқот юритишига Марказий сайлов комиссияси томонидан барча шароитлар яратилган. Оммавий ахборот воситаларида ҳамма номзодлар учун тенг ўринлар ажратилган. Бу имкониятлардан Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси ва ундан кўрсатилган номзод унумли фойдаланмоқда. Сайловолди ташвиқотининг муҳим воситаларидан бири ташқи реклама ва жозибадор шиорлар саналади. Айни кунларда марказда ва ҳудудларда ушбу икки омилни ўзида акс эттирувчи восита, яъни баннерларни жойлаштириш бўйича олиб борилган ишлар муваффақиятли якунига етди. Сайловолди ташвиқоти доирасида марказда ва ҳудудларда Президентликка номзод Наримон Умаровга овоз беришга чақирувчи 829 та баннерлар ўзбек, қорақалпоқ ва рус тилларида тайёрланиб, реклама тахталарига жойлаштирилди.

Шунингдек, партия номзодининг таржимаи ҳоли ва сайловолди дастури акс этган "Адолат" газетасининг 5800 нусхадаги 2 та сони ҳамда 80000 нусхадаги ўзбек ва рус тилларида чоп этилган брошюралар ва бошқа кўп минг сонли буклет, флаер, календарь, блокнот сингари тарғибот материаллари тарқатилмоқда.

Айни кунга қадар Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Наримон Умаров Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро, Навоий, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё, Тошкент, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари ва Тошкент шаҳар сайловчилари билан учрашди. Учрашувларда сайлаш ҳуқуқига эга бўлган ёшдаги фуқаролар иштирок этиб, ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишмоқда. Таклиф ва мулоҳазаларини билдиришмоқда. Номзод билан юзма-юз суҳбатлашишмоқда.

Табиийки, номзодимиз сайловолди ташвиқоти жараёнида ўз сайловолди дастурининг афзалликларини ёритиб беришга ва шу тариқа сайловчилар ҳурматига сазовор бўлишга бор куч-ғайратини сафарбар қилмоқда.

Шу ўринда, учрашувларни барча сиёсий партиялар учун тенгликда, бир хил шароитларда ташкил этишда Марказий ва округ сайлов комиссияларининг фаоллигини, ташаббускорлигини алоҳида эътироф этиш жоиз. Сайлов кампанияси миллий ҳамда халқаро қонунчилик меъёрлари ва талабларига тўлиқ риоя этилган ҳолда олиб борилмоқда.

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси ҳам яратилган барча имкониятдан самарали фойдаланган ҳолда, номзоднинг жойларда ўтказилаётган учрашувларида сайловчиларнинг қўллаб-қувватлашига, бўлажак сайловларда уларнинг овозини олишга қаратилган фаол сайловолди ташвиқотини амалга ошириб келмоқда. Сайловолди ташвиқотининг барча кўринишларида энг замонавий шакл ва услублардан кенг фойдаланилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, Марказий сайлов комиссиясининг қарори билан бошқа партиялар номзодлари қатори Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси номзодига ҳам марказий газеталар, жумладан, "Халқ сўзи", "Народное слово", "Правда Востока" газеталарида 10 саҳифа нашр майдони ажратилган. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг "Ўзбекистон" ва "Ёшлар" теле-радиоканалларида 900 дақиқадан эфир вақти берилган. Бу имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда, жумладан, республика марказий нашрлари ("Халқ сўзи", "Народное слово", "Правда Востока") саҳифаларида партия номзодининг сайловчилар билан учрашувлари ва номзоднинг сайловолди дастурининг асосий йўналишларини очиб берувчи 15 та, маҳаллий босма нашрларда 30 дан зиёд мақола эълон қилинди. Шу билан бирга, партиямиз расмий нашри "Адолат" ижтимоий-сиёсий газетасида ҳам ушбу йўналишда таҳлилий мақолалар мунтазам бериб борилмоқда.

Номзод билан учрашувлар, партия вакилларининг чиқишлари марказий ва маҳаллий теле-радиоканаллар орқали эфирга узатилиши таъминланмоқда.

Шунингдек, номзоднинг сайловолди ташвиқоти давридаги фаолияти ва унга доир хабарлар республика ахборот агентликлари ва маҳаллий ҳокимиятлар электрон сайтларида, 10 га яқин информацион порталларда, мамлакатимиздаги мавжуд нодавлат оммавий ахборот воситаларида эълон қилинмоқда.

Бу ишларни режали ва самарали ташкил қилиш ва сайлов кампаниясини уюшқоқлик билан ўтказишимизда партиянинг Марказий (1), ҳудудий (14) ва маҳаллий (193) сайлов штаблари (жами 208) таянч тузилмалар вазифасини ўтамоқда.

Партиямиз Амир Темур бобомизнинг "Куч — адолатда" деган пурмаъно ҳикматига таянган ҳолда, бундай тенг имконият — тенг шароитларда мамлакатимизда бўлиб ўтаётган демократик жараёнларнинг фаол иштирокчисига айланади. Зеро, "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги қонуннинг 28[1]-моддасига кўра Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб рўйхатга олинганларнинг ҳаммаси тенг ҳуқуқларга эга.

Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлов кампанияси ва сайлови очиқ, ошкора ва эркин ўтказилиши учун етарлича шароит яратилган. Шу боис барча юртдошларимизни ушбу муҳим ижтимоий-сиёсий жараёнларни юқори даража ва савияда, халқаро принцип ҳамда стандартлар асосида ўтишига ўз ҳиссаларини қўшишга чорлаб қоламиз.

**Абдукамол РАҲМОНОВ,**
Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши раисининг ўринбосари, партия Марказий сайлов штаби раҳбари

# БОҒБОН

### 2015 йил — Кексаларни эъзозлаш йили

Шундай одамлар борки, дунё юки елкасида тургандай доим елиб-югуриб, ҳузур-ҳаловатдан кечиб бўлса-да, эзгу мақсадлар сари интилаверади. Ҳаттоки нафақага чиққанидан кейин ҳам бемалол оёқ узатиб ётишни хаёлига келтирмайди. Фарзандлари ва набираларига бош-қош бўлиб, уларнинг бароридан келаётган ишларидан суюниб, ўзи ҳар ишда ибрат кўрсатиб, ҳаёт мазмунини шу беҳаловатликда деб билади. Дарҳақиқат, бундай кексалар ҳали-вери қариликни бўйнига олмайди, ғайрат-шижоатда эса ёшларни ҳам шоширib қўяди.



Ўзбекистон "Адолат" СДПга хайрихоҳ, республикамизда биринчилар қатори интенсив боғ яратган, бу борада тажрибасига таяниб кўплаб боғбонларга устозлик қилган Заҳириддин Сайфиддинов ана шундай кишилар сирасига киради. Бу жонкуяр инсон бугунги тезкор замон билан ҳамқадам, деҳқончилик ва боғдорчиликка оид инновацион технологиялардан бохабар. Шу боис, дунё кезса ҳам, албатта, ўрганиб-изланиб юртимизга бирон янгилик олиб келишга интилади. Компьютер орқали бошқариладиган суғориш мосламаси, биогаз ёрдамида иситиладиган иссиқхона лойиҳаси, ариқ-зовурларни тозалаш ва ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун ишлатиладиган универсаль экскаватор, ғалла ўримидан сўнг сомонни йиғиб зичлайдиган тиркама... Бир сўз билан айтганда, камхаражат, иш унуми юқори техника ва технологиянинг биронтаси Заҳириддин аканинг назаридан четда қолмаган. Биринчи навбатда, уларни ўзи раҳбарлик қилган фермер хўжалигида синовдан ўтказиб, ишонч ҳосил қилгач, бошқа хўжаликларга ҳам тавсия этиб келган.

Бир гал учрашганимизда Заҳириддин ака менга оддий термометрга ўхшаш, ундан каттароқ ўлчагични кўрсатди. "Бу нима экан?" деб атай қўлимга олдим. Яшил, сариқ ва қизил белгиси бор. Тўғриси, ҳар қанча уринмай нима учун ишлатилишини билолмадим.

— Буни польшалик ҳамкасбларим совға қилишган. Ҳар бир боғбон ёнида олиб юрса, жуда-жуда асқатади, — дейди Заҳириддин ака мийиғида жилмайиб. — Нега деганингизда, оддий термометр одам тана ҳароратини ўлчаса, қўлингиздаги асбоб дарахтга сув керакми-йўқми, "айтиб" беради. "Қанақасига" дейсизми? Ҳаммаси оддий. Ўлчагични дарахт тагидаги тупроққа тиқасиз. Шунда яшил белгини кўрсатса, хотирингиз жам бўлсин, уни суғоришга ҳечам ҳожат йўқ. Мабодо, термометр сариққа "ишора" қилса, билингки, унга сув керак. Энг хавфлиси эса, қизил ранг. Бунда зудлик билан дарахтни суғормаса бўлмайди. Чунки, жуда чанқаган бўлади...

2007 йили Тошкент вилояти Зангиота туманидан 9 гектар ер олиб, "Миришкор Сайфиддинова Хонзода" фермер хўжалигини ташкил этган Заҳириддин Сайфиддинов орадан кўп ўтмай, хориждан шартнома асосида 10 минг туп олма, 1200 туп гилос, 800 туп нок кўчатларини келтириб, интенсив боғ яратишга киришади.

Бугунги кунга келиб, мазкур хўжаликнинг умумий майдони 105 гектар. Шундан 40 гектари боғ, унинг 20 гектари интенсив боғ бўлиб, олманинг эрта ва кеч пишар, бир-бирidan мазали ва узоқ муддат сақланадиган навлари, шунингдек, гилос, нок ва бошқа мевалар етиштирилади. Териб олинган меванинг бир қисми шартнома асосида қайта ишлаш корхоналарига етказиб берилса, қолган қисми эса пойтахтимиздаги деҳқон бозорлари ҳамда фермер хўжалигининг Тошкент шаҳридаги савдо дўкони орқали аҳолига сотилади.

— Анъанавий боғдорчиликда бир гектар ерга кўпи билан беш юз туп кўчат ўтқазилса, интенсив усулда эса ҳар гектар ерга уч мингдан ортиқ кўчат экилиб, ундан одатдаги боғларга нисбатан 5-6 баробар кўп ҳосил олиш мумкин, — дейди Заҳириддин ака. — Томчилатиб суғориш йўлга қўйилса, сув исроф бўлмайди. Замонавий технология ернинг дарахт учун керакли намга тўйинишига қараб ишлайди. Яъни, тупроқ керакли миқдорда намга эга бўлдими, шу заҳоти компьютер сувни тўхтатади. Шунингдек, томчилатиб суғориш ўсимликни ривожлантириш мақсадида бериладиган кимёвий озиқларни ҳам тежайди. Интенсив боғда дарахтлар кичик бўлгани учун уларни кесиш, кимёвий ишлов ва шакл бериш, суғориш, озиқлантириш, мевани териб олиш қулай. Бундай боғларга қуёш нури тушиши, ҳаво айланиши яхши, шу сабабли мевасининг сифати юқори бўлади.

Заҳириддин акага зимдан разм соламан. Юз-кўзларида ўзгача бир шиддат акс этади. Хатти-ҳаракатлари ҳам чаққон.

— Бугун фермер ерга эгалик қилиш ёки ҳосил етиштириш билан чекланиб қоладиган оддий деҳқон эмас, бутун бошли хўжаликнинг эртаси, ишчи-хизматчилари оиласи фаровонлиги, элимиз дастурхони тўкинлиги, қолаверса, юрт ободлиги ҳам уларнинг саъй-ҳаракатларига боғлиқ. Дунёга янгича нигоҳ билан қарайдиган, замонавий билим ва кўникмаларга эга фермерларимиз етиштирган ҳосилини хомашё сифатида эмас, балки қайта ишлаб тайёр маҳсулот ҳолатида юртимиз бозорига ва хорижга олиб чиқишга бел боғлашган. Мен мева-сабзавотчилик соҳасида хориж тажрибасини ўрганишни кўзлаб кўп давлатларга бордим. Ва шунга амин бўлдимки, дунёнинг ҳеч бир жойида мева-чевалар серқуёш ўлкамизда етиштирилган ноз-неъматлардек ширин, фойдали витаминларга бой бўлмайди. Нега? Чунки Ўзбекистонга тўрт фасл вақтида келади, тупроғи бебаҳо, об-ҳавоси боғдорчилик учун ҳар томонлама қулай.

Заҳириддин ака раҳбарлик қилган даврда фермер хўжалиги эришган ютуқлар ҳақида хўп ва кўп гапириш мумкин. Чунончи, 2012 йили давлатга ғалла сотиш режасини ошириб бажаргани учун вилоят ҳокимлиги томонидан "Дамас" русумли автомобиль билан тақдирланган бўлса, 2014 йили анъанавий ўтказиб келинаётган "Ташаббус" кўрик-танловининг Тошкент вилоят босқичида "Миришкор Сайфиддинова Хонзода" фермер хўжалиги "Энг яхши фермер" йўналиши бўйича биринчи ўринга лойиқ топилди ва "Ташаббус-2014" кўрик-танловининг республика босқичида муносиб иштирок этди.

Заҳириддин ака билан ҳамсуҳбат бўлишнинг гашти бор: катта ҳаётий тажрибага эга, ўз касбини миридан-сиригача билади. Дунёқараши, фикрлаши кенг. Ҳар гал учрашганимизда, суҳбатидан завқ олиш баробарида, деҳқончилик ёки боғдорчиликка доир хориж тажрибасидан ҳам воқиф бўлиб қайтаман. Дейлик, хитойлик соҳибкор етиштирган маҳсулотини бозорга ҳаммадан олдин олиб чиқишга ҳаракат қиларкан. Чунки, барча қатори эмас, биринчилардан бўлиб мева-чевасини харидорга етказиб берса, катта даромад олади. Польшада эса боғларда иш шундай ташкил этиларкан: мевага қурт тушмаслиги ёки бирон касалликка чалинмаслиги учун бу вазифани дорилаш фирмаси ўз зиммасига олса, иккинчи фирма ҳали пишиб етилмасдан ҳосилга эга чиқаркан. Боғ орасига ишлов бериш каби юмушларни ҳам қайсидир ташкилот бажаради. Хўш, ҳамма ишни мутахассислар бажарса, боғ эгаси нима иш қилади, дерсиз? У боғини янада ривожлантиришни ўйлаб, янгиликка интилаб, шунга мос режалар тузар экан.

— Дарахт баргини кўздан кечириб, унинг қандай ўсаётганини, бирон касалликка чалинган-чалинмаганини, ҳатто ҳосили қандай бўлишини билиш мумкин, — дейди Заҳириддин ака иккимиз боғ оралаганда. — Албатта, оддий кўз билан қараганда, аниқ ташхис қўйиш мушкул. Шунинг учун мен доим ёнимда махсус лупа олиб юраман. Барглар, бу — дарахт забони. Уни тушуниш учун эса боғбондан меҳр ва қунт талаб этилади.

Ҳамроҳим қўлидаги лупани барг устига тутиб, мени қарашга ундайди. Бир неча баробар катталашган барг юзаси янада аниқ кўринади. Шунда боққа вақтида ишлов қилингани, озуқа берилгани, керакли препаратлар сепилгани аён бўлади. Дарахт барги тоза. Акс ҳолда-чи, лупа билан қараганда, дарахт барги носоғлом ранг, кўриниш олиб, унда майда-майда ҳашоратлар учраши ҳам тайин экан.

— Тўрт ўғлим ёнимда қўл-қанот бўлиб турибшибди. Фахриддин кўчатчилик, Бадриддин ғалла ва сабзавотчилик билан шуғулланса, Камолиддин янги интенсив навларни кўпайтиради, Ҳасан эса хўжаликнинг техникасига масъул, — дейди Заҳириддин ака. — Хуллас, ҳар қайсининг бажарадиган вазифаси алоҳида-алоҳида бўлиб берилган, шу тариқа истиқболни кўзлаб ўғилларимни ихтисосликка йўналтирганмиз. Хўжалигимизда етиштирилаётган маҳсулотларни ички бозорда сотиш ва экспорт қилиш орқали оладиган даромадимиз чакки эмас. Ишчи-ходимларнинг моддий манфаатдорлиги ҳам шунга яраша. Бундан ташқари, техника базамизни ҳам мустаҳкамлаб бораяпмиз. 82 минг долларга Англияда ишлаб чиқарилган универсаль экскаватор сотиб олдик. Ариқ-зовурларни тозалаб, ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилашда жуда асқатяпти. Келажакда шу техника ёрдамида балиқчилик ташкил қилиш ниятимиз бор. Бугун замонавий техникасиз фермернинг иши олға силжимайди. Ҳозир бизда боғ орасига ишлов берувчи универсаль трактор дейсизми, томчилатиб суғориш ускунаси, далада ҳашоратларга қарши дори сепадиган мослама, ғалла ўримидан сўнг сомонни йиғиб зичлайдиган (Италияда ишлаб чиқарилган) тиркама, Беларусь-80, Т-28, бир сўз билан айтганда, техниканинг кўплаб туридан бор. Лизингга комбайн олдик. Хўжалигимизда 400 тонналик совутгич ва иссиқхона қуришни ҳам кўзлаб турибмиз...

Дарвоқе, Заҳириддин аканинг оиласига ҳам ҳар қанча ҳавас қилса арзийди. Рафиқаси Хонзода ая билан тинч-тотув яшаб, тўрт ўғил, икки қизни тарбиялаб вояга етказишган. Бугунга келиб, бу отахон ва онахон 19 набиранинг бува-бувиси. Фарзандлари ота изидан бориб, набиралари бобосидан ўрнак олиб, деҳқончилик ва боғдорчиликка меҳр қўйгани ҳам қувонарли, албатта.

— Буни қарангки, иш билан бўлиб, хўжаликда у тармоқни йўлга қўяй, бунисини ривожлансин, деб елиб-югуриб, нафақага чиқишни ҳам унутган эканман, — дейди Заҳириддин Сайфиддинов мамнунлигидан чеҳраси ёришиб. — Ўтган йил охирги ойида хўжалик раҳбарлигини тўнғич ўғлим Фахриддинга ишониб топширдим. Нафақага чиққанидан кейин ҳам боққа, далага ўрганган одам уйида ўтиролмас экан-да, ерни сабзавот экишга тайёрлаш, маҳаллий ўғит тўплаш... хуллас, бажарадиган ишлар кўп. "Ҳеч бўлмаса қор ёққанда уйда ўтиринг", деб болаларимнинг онаси ёзғириб қолади. Мен нима қилай, гарчи қўлим ёзув-чизувлардан бўшаган бўлса-да, фарзандларимга бош-қош бўлиб, боғдорчиликни ҳам, деҳқончиликни ҳам ривожлантириш вазифам ахир!

Заҳириддин ака каби пиру бадавлат отахонларимиз биз учун бир мактаб. Пурҳикмат сўзларига қулоқ тутсангиз, йиллар мабойнида тўплаган тажрибасидан сабоқ оласиз. Шунда сизнинг ҳам дунёқарашингиз кенгайиб, фикрлашингиз янада теранлаша боради. Дарҳақақат, бугун қайси касб эгаси бўлмайлик, қайси соҳада фаолият олиб бормайлик, эришаётган ютуқларимизда жонкуяр, маслаҳатгўй мўътабар қарияларимизнинг ҳам ҳиссалари борлигини доим ёдда сақлаймиз.

**Суюндик МАМИРОВ,**
«Adolat» мухбири

# Ҳудудий партия ташкилотларида

➢ **Ўзбекистон "Адолат" СДП ташкил топганлигининг 20 йиллигига**

Фарғона вилоят партия кенгашида Ўзбекистон "Адолат" СДП ташкил топганлигининг 20 йиллиги муносабати билан "Мамлакатимизда социал-демократия мафкурасининг тарихий илдизлари ва бугунги ривожланиш истиқболлари" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда "Адолат" СДПнинг ҳудудий ва қуйи ташкилотлари раҳбарлари, маҳаллий вакиллик органлари депутатлари, партия фаоллари ва фахрийлари иштирок этишди.

## Ишончли ва мустаҳкам мезон

Тадбирда вилоят партия кенгаши раиси вазифасини бажарувчи Н.Суярқулов таъкидлаганидек, босиб ўтилган қисқа давр ичида партиямиз ўз атрофига инсон ва унинг манфаатларини энг олий қадрият деб ҳисоблайдиган, адолат мезонларига таяниб иш юритувчи фаол тарафдорларни бирлаштира олди. Бугун партиямизнинг Сайловолди дастурида акс этган "Адолат — ҳаётимизнинг бош мезони, адолат — ҳар бир инсон учун" деган эзгу ғоялар асосий шиоримиз сифатида барчамизга ҳақиқат, одиллик, инсонпарварликнинг юксак намунасини ифодалайди ва устувор вазифаларимизни белгилашда замин саналади. Зеро, тарихда буюк давлатчиликка асос солган Амир Темур бобомизнинг: "Адолат ва озодлик дастурингиз ва раҳбарингиз бўлсин. Миллатнинг дардларига дармон бўлмоқ вазифангиздир", дея таъкидлагани бежиз эмас.

— Партия ташкил этилганидан буён ўз фаолиятида инсон ҳуқуқлари ва ёшлар масаласига алоҳида эътибор қаратиб келмоқда, — деди вилоят партия кенгашининг ёшлар билан ишлаш бўлими етакчиси Б.Аҳмадалиев. — Ҳозирда партиянинг асосий электоратини ёшлар ташкил этади. Мамлакатимизда ёшларга берилаётган эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилган, уларнинг сиёсий фаоллиги, ҳуқуқий билимларини ошириш, интеллектуал қобилиятларини рағбатлантириб бориш ва бошқа турли соҳаларда ҳар бирининг интилишларини қўллаб-қувватлаш партиямизнинг доимий диққат марказида эканлиги бизни янада ташаббускорликка ундайди.

Давра суҳбатида "Адолат" СДП вилоят кенгашининг "Аёллар қаноти" етакчиси Ш.Аббасова партиянинг тарихи ва бугунги кундаги фаолияти акс этган лавҳаларни слайдлар ёрдамида намойиш қилди.

Шунингдек, анжуман давомида ёшлар билан ишлаш бўлими медиа гуруҳи томонидан тайёрланган "Ўзбекистон "Адолат" СДП 20 ёшда" номли видео-роликининг намунавий лойиҳаси илк бор иштирокчилар эътиборига ҳавола этилди.

* * *

Қува тумани маданият ва спорт марказида туман ҳокимлиги, "Камолот" ЁИҲ туман кенгаши, Ўзбекистон "Адолат" СДП туман кенгаши ҳамкорлигида партиямиз ташкил топганлигининг 20 йиллигига бағишлаб ёшлар, хотин-қизлар иштирокида "Баҳорой — 2015" кўрик-танлови ўтказилди. Танловда тумандаги коллежларнинг битирувчи қизлари "Энг сиёсий фаол", "Энг билимдон", "Энг зукко", "Энг маҳоратли" каби номинациялар бўйича баҳоландилар ва ушбу фазилатларнинг барчаси ўзида мужассам эканлигини намоён эта олган иштирокчи — касб-ҳунар коллежи битирувчиси К.Алиева "Баҳорой" ғолиблик номига сазовор бўлди.



Шунингдек, шу куни тумандаги истеъдодли ёш маслакдошларимиз ўртасида "Бу менинг партиям, менинг танловим!" деб номланган иншолар ва шеърлар танлови ҳам эълон қилиниб, ёшлар мазкур танлов низоми билан танишдилар ва ўз ижод намуналарини ушбу низомга мувофиқ тайёрлашга киришдилар. Танловнинг якуний босқичи Наврўз байрами куни ўтказилиши режалаштирилган.

**Комила ИСРОИЛОВА,**
Ўзбекистон "Адолат" СДП Фарғона вилояти кенгаши матбуот котиби

## Ҳаётий ғоя ва қарашлар уйғунлиги

➢ **БПТ — партия таянчи**

Ўзбекистон "Адолат" СДП Тошкент шаҳар кенгаши партия сафларига изланувчан, ташаббускор, сиёсий етук, ғоя ва мақсадларимизга садоқатли хотин-қизларни жалб этишга асосий вазифаларидан бири сифатида ёндашади. Жойлардаги партия ташкилотларининг кенг қамровли фаолияти самараси ўлароқ, бугунги кунда сафларида турли касб-ҳунар эгалари бўлган 4 мингга яқин хотин-қизлар ҳамжиҳатликда бир ғоя, бир эзгу мақсад йўлида бирлашган.



Айниқса, партиянинг дастурий ғоя ва мақсадларини тарғиб этишда бошланғич партия ташкилотларининг фаол қисми ҳисобланган аёлларнинг фидойилиги алоҳида аҳамият касб этаётир. Буни Тошкент шаҳар ўсмирлар диспансери қошидаги БПТ фаолиятида ҳам кўришимиз мумкин. Шаҳар партия кенгашининг энг намунали қуйи ташкилотларидан бўлган мазкур БПТ сафларида кўпчилиги тиббиёт ходимларидан иборат 106 нафар аъзоларнинг 90 нафарини айнан хотин-қизлар ташкил этаётганлиги сўзимиз исботидир.

Қуйи ташкилот фаолларининг жамиятда кечаётган ижтимоий-сиёсий жараёнларга ҳозиржавоблиги, партиямиз ғоялари тарғиботида фаоллиги эътиборга моликдир.

Куни кеча ўтказилган йиғилишда БПТ аъзолари "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастури тўғрисида"ги қарор мазмун-моҳиятини ўрганиш ва унда белгиланган устувор вазифалар ижросида партия фаолларининг иштирокини таъминлаш юзасидан ўзаро фикр алмашдилар.

— Мамлакатимизда ижтимоий йўналишда олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар орасида аҳоли, айниқса, ёши улуғ инсонларни ижтимоий ҳимоя қилиш, уларга муносиб турмуш шароити яратишга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда, — деди ўсмирлар диспансери бош шифокори, БПТ раиси С.Айходжаева. — Бунда фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида нуронийларни эъзозлаш, уларга муносиб турмуш шароити яратиш, ёшларни кекса авлод вакилларига ҳурмат-эҳтиром руҳида камол топтириш масаласига алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Бундай қараш ва саъй-ҳаракатлар айнан Ўзбекистон "Адолат" СДП ғояларига тўла мос келади ва бундай ёндашувлар партия Сайловолди дастуридан ҳам ўрин олган. Бу албатта, партиямиз ғояларининг ҳаётийлигини ҳам исботлаб турибди.

Тадбирда таъкидланганидек, жорий йилнинг мамлакатимизда "Кексаларни эъзозлаш йили" деб номланиши замирида халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган, қадрият ва анъаналарига айланган нуроний, ёши улуғ инсонларни эъзозлаш, уларга юксак эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш каби энг эзгу ниятлар мужассам. Шу муносабат билан қабул қилинган "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастури тўғрисида"ги қарорда фахрийлар ва ёши улуғ инсонларга тиббий ва ижтимоий хизмат кўрсатиш даражаси ва сифатини ошириш, уларни тизимли асосда соғломлаштиришни ташкил этиш, профилактика тадбирларини кўпайтириш, кексаларга хизмат кўрсатишга ихтисослаштирилган санатория-соғломлаштириш ва ижтимоий хизмат кўрсатиш муассасаларининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш каби устувор вазифалар белгиланганлиги бу борадаги кенг қамровли ишлар янги босқичда давом этишини англатади.

Тадбир давомида бошланғич ташкилот аъзолари Давлат дастуридан келиб чиқиб ўз фаолиятида асосий эътиборни кексаларга ҳурмат-эҳтиром, меҳр-оқибат кўрсатиб, уларнинг оила ва жамиятдаги ўрни ҳамда обрўсини кўтариш, ўсиб келаётган авлоднинг ҳар бир нуронийга кўмакдош бўлишига интилиш, самимий ҳурмат руҳида тарбиялашга қаратилган тадбирлар сонини ошириш зарурлиги қайд этилди. Бу борадаги саъй-ҳаракатларнинг самарадорлиги ва таъсирчанлигини янада кучайтиришда ижтимоий ҳамкорлар билан, хусусан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, "Нуроний" жамғармаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, "Камолот" ЁИҲ каби жамоат ташкилотлари билан кенг қамровли алоқаларни йўлга қўйишга доир таклифлар билдирилди ва вазифалар белгилаб олинди.

**Бобир ОТАМУРОДОВ,**
Ўзбекистон "Адолат" СДП Тошкент шаҳар кенгаши матбуот котиби

## Сиёсий кучнинг қатъий позицияси амалиёт билан чамбарчас боғлиқ

➢ **Фаолият**

Мамлакатимиз аҳли барча соҳаларда амалга оширилаётган демократик ислоҳотлар изчиллигини ва самарадорлигини таъминлаш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнларида фаол иштирок этиб келмоқдалар. Айниқса, бу фаоллик фуқароларимизнинг сиёсий партияларга бирлашишида янада яққолроқ намоён бўлмоқда.

Буни Ўзбекистон "Адолат" СДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши ва унинг қуйи ташкилотлари сафларида жипслашиб, бир маслак, ягона мақсад йўлида дадил интилаётган партиядошларимизнинг эзгу саъй-ҳаракатларида ҳам кўришимиз мумкин. Ўтган йиллар давомида партия аъзолари сонини ошириш, аҳоли ўртасида ғоя ва мақсадларимизни тарғиб қилиш, партия фаолиятини янада такомиллаштириш борасида бир қатор ижобий ишлар қилингани эътиборга молик.

Бу саъй-ҳаракатларнинг самараси ўлароқ, 2010 йилда Қорақалпоғистон Республикасида сафдошларимиз сони 4201 нафарни ташкил қилган бўлса, бу кўрсаткич бугунги кунга келиб салкам 6500 нафарга етди. Шундан, 50 фоизини жамиятимиз таянчи ҳисобланган ёшлар ташкил қилса, уч мингга яқини хотин-қизлардан иборат.

Партиямиз 2009 йилги сайловда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесида 6 та, халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларида 19 та депутатлик ўринларига эга бўлган бўлса, 2014 йилги сайловда партиямиз номзодларидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларига жами 47 депутат сайланди. Албатта, бундай натижага эришишда сайловлар ўртасидаги фаолиятимизга бўлган жиддий ёндашувлар амалий аҳамият касб этди.

Жумладан, партия Сайловолди дастури ижроси билан боғлиқ 400 дан ортиқ турли тадбирлар ташкил этилиб, ушбу тадбирларга 10 мингдан зиёд фуқаролар жалб қилинди. Партия тадбирларини ОАВда ёритиш мақсадида матбуот нашрлари ва телерадио эшиттиришлари орқали 500 га яқин чиқишлар амалга оширилди. Шунингдек, қатор лойиҳалар доирасида қилинган хайрли ишлар ҳам партиямиз инсон манфаатларига юксак эътибор билан қарашининг амалий ифодасига айланди.

Шу маънода "Бола қувончи — олам қувончи", "Биринчи маротаба сайловда иштирок этаман" лойиҳалари асосида ўтказилган тадбирлар аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида катта қизиқиш уйғотганини айтиш жоиз. Хусусан, "Бола қувончи — олам қувончи" лойиҳаси доирасида Нукус шаҳридаги 10-сонли кўзи ожиз ва заиф кўрувчи болалар давлат мактаб-интернатига 2 КВТли қуёшдан энергия ҳосил қилувчи қурилманинг ўрнатилиши "Соғлом бола йили"да болажонлар учун ажойиб совға бўлди.

Маълумки, партия нуфузини кўтаришда ва электорат манфаатларини самарали ҳимоя қилишда партия депутатлик гуруҳлари муҳим ўрин тутади. Бу борада, айниқса, кейинги йилларда депутатларимиз фаолиятида тўпланган тажрибалар ортиб бормоқда.

Биргина мисол, сайловлар оралиғидаги даврда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесидаги депутатлик гуруҳига жойларда ўтказилган учрашувларда фуқаролардан келиб тушган 150 дан ортиқ оғзаки, 50 га яқин ёзма мурожаатларнинг ижобий ечимини топишга эришилди. Сайловчилардан келиб тушган мурожаатлар асосида тегишли корхона-ташкилотлар раҳбарларига 32 та депутатлик сўрови жўнатилди. Ўз ечимини топган мурожаатларнинг аксарият қисми ижтимоий муаммолар ҳал этилишига қаратилган.



**Ерназар ҚУННАЗАРОВ,**
Ўзбекистон "Адолат" СДП
Қорақалпоғистан Республикаси кенгаши раиси

"Кексаларни эъзозлаш йили"да ҳам партиямиз мафкураси, ғоя ва мақсадларини кенг тарғиб этишни амалиёт билан чамбарчас боғлиқликда олиб боришга йўналтирмоқдамиз.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесида ва халқ депутатлари Нукус шаҳар ҳамда туман Кенгашларига сайланган барча депутатларимиз айни кунда иш-режалари асосида ўз сайловчилари билан яқиндан алоқада бўлиб, амалий ҳаракатларини бошлаб юборди.

Жорий йилда Қорақалпоғистон Республикасида иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури ва ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларининг ижросини таъминлашда маҳаллий Кенгашларга сайланган депутатларимиз ва фаолларимиз муносиб ҳисса қўшишни қатъий мақсад қилганлар. Бунга эришишда, айниқса, деярли кўпчилик депутатларимизнинг ижтимоий соҳа вакиллари эканлиги ўз ижобий самарасини бермоқда.

Жорий йилнинг январь ойида Қорақалпоғистон Республикаси бўйича жами 1283 та иш ўрни яратилиб, улардан 370 тасида хотин-қизлар ва 322 тасида ёшлар бандлиги таъминланди. Жами иш ўринларининг 134 таси касб-ҳунар коллежлари битирувчиларига тўғри келмоқда. Мазкур янги иш ўринларини туманлар миқёсида таҳлил қилганимизда, Чимбой ва Беруний туманларида деҳқон ва фермер хўжаликларини тараққий эттириш, миллий ҳунармандчилик ва касаначиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилгани кузатилади. Айни пайтда ушбу туманларда қишлоқ хўжалиги ва ижтимоий соҳа вакилларидан иборат жами 7 нафар депутатимиз фаолият кўрсатишмоқда.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар изчиллигини таъминлашда Ўзбекистон "Адолат" СДП ўзининг асосий ижтимоий таянчи ҳисобланган юқори малакали мутахассислар, бюджет соҳаси ходимлари, педагоглар, шифокорлар, муҳандис-техник ва илм-фан вакиллари, хизмат кўрсатиш соҳалари ходимларининг манфаатларидан келиб чиқиб, Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат, инсонпарвар, адолатли фуқаролик жамияти қуришнинг изчил тарафдори сифатида ҳаракат қилмоқда.

Социал-демократиянинг инсонпарвар ғояларини партиямизнинг ҳар бир аъзоси чин юракдан ҳис қилиб, ижтимоий-сиёсий фаоллик кўрсатиб, албатта, партиямиз дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашга эришамиз. Юртимизда яшаётган ҳар бир инсон учун муносиб ҳаёт тарзини шакллантиришда "адолатчи"лар барча саъй-ҳаракатларини халқ фаровонлигини таъминлашга йўналтираётгани инсон манфаатларига хизмат қилаверади.

## Маънавий меросимизнинг ёшлар тарбиясидаги ўрни

**"Адолат" СДП Самарқанд вилояти кенгаши, Самарқанд давлат музей-қўриқхонасининг санъат бўлими, Самарқанд санъат коллежи билан ҳамкорликда Ўзбекистон маданияти тарихи давлат музейининг кўргазмалар залида ўзбек халқининг улуғ мутаффакири, сўз мулкининг султони Алишер Навоий ижодига бағишланган тадбир ўтказилди.**

Партия фаоллари, Самарқанд давлат университетининг профессор-ўқитувчилари ва талабалари ҳамда музей ходимлари иштирок этган мазкур тадбирда Алишер Навоийнинг дунё тамаддунига қўшган беқиёс ҳиссаси, мамлакат ободлиги учун қилган ибратли ишлари, инсонпарварлик ғояларининг ёшлар тарбиясида тутган ўрни ҳақида сўз юритилди.

Иштирокчилар Алишер Навоий даҳосига юксак ҳурмат рамзи сифатида Япониянинг Сока университети ҳовлисида, Москва ва Боку шаҳарларида шоир ҳайкаллари барпо этилгани, унинг бетакрор ижоди дунё олимлари томонидан ўрганилаётганини ғурур билан таъкидладилар.

Шеърият ихлосмандлари Алишер Навоий шеърларидан гўзал намуналар ўқишди.

**Зубайдулла ИБРАГИМОВ**

# Истеъмолчилар манфаати доимо устувор

➢ **Қарор ва ижро**

Мамлакатимиз ички истеъмол бозорини сифатли маҳсулотлар билан таъминлаш товар ишлаб чиқарувчилар, тадбиркорлар олдида турган муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Истеъмолчи харид қиладиган маҳсулотига нисбатан талабчан бўлиши ишлаб чиқарувчиларни сифатли, рақобатбардош маҳсулот тайёрлашга ундамоқда. Бугунги кунда республикамизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини доимий таъминлашда “Ўзстандарт” агентлиги ва унинг ҳудудий синов ва сертификатлаштириш марказларининг ҳиссаси катта бўлмоқда.



Юртимизга четдан келтирилаётган ёки маҳаллий тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилаётган озиқ-овқат, енгил саноат, қурилиш, кимё ва бошқа бир неча турдаги маҳсулотларга “Тошкент синов ва сертификатлаштириш маркази” давлат корхонаси томонидан ўтган йил давомида 11 мингдан ошиқ мувофиқлик сертификати расмийлаштирилди. Мутахассисларимиз Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 13 майдаги “Ўзбекистон Республикасига истеъмол товарлари олиб киришни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори талабига кўра, четдан келтирилаётган маҳсулотларнинг истеъмолга яроқлилиги, инсон саломатлигига зарарсизлигини таъминлашга алоҳида эътибор бермоқдалар.

Мамлакатимизга келтирилган ёки ўзимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг белгиланган меъёрий ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини доимий назорат қилиш мақсадида марказимизнинг “Сертификатлаштирилган маҳсулот устидан инспекция назорати” бўлими томонидан сертификатлаштирилган маҳсулотлар устидан инспекция назоратини ўтказиш қоидасига асосан 2014 йил мобайнида 918 та корхонада инспекция назорати олиб борилди. Унинг натижалари бўйича 747 та корхонага берилган мувофиқлик сертификатининг амал қилиш муддати тасдиқланган бўлса, 68 та мувофиқлик сертификатининг амал қилиш муддати вақтинчалик тўхтатилди ва 103 та мувофиқлик сертификатининг амал қилиш муддати бекор қилинди. Сертификатлаштириш натижасида яроқсиз деб топилган маҳсулотлар тўғрисида маҳсулот эгалари, давлат солиқ идоралари, «Ўзстандарт» агентлиги ва Давлат божхона бошқармаларига меъёрий ҳужжат талабларига жавоб бермаслиги ҳақида билдиришномалар берилди. Шунингдек, бекор қилинган ва вақтинчалик амал қилиш муддати тўхтатилган корхона ва маҳсулотлар тўғрисида тегишли идораларга маълумот юборилди.

Марказга тадбиркорлар ҳамда аҳолидан фаолиятимиз доирасида бўлаётган мурожаатларнинг электрон айланмасини яратиш мақсадида ўтган йили мутахассисларимиз томонидан “Ҳужжатларнинг электрон айланмаси” электрон дастури ишлаб чиқилган бўлиб, ушбу электрон дастур орқали марказга келиб тушаётган мурожаат-аризаларнинг электрон рўйхатини яратишга эришилди. Бунинг афзаллик жиҳати шундаки, мурожаатларнинг ижро муддати тўғрисида компьютер доимо эслатиб туради. Шунинг учун мутахассисларимиз томонидан бирор ҳужжатнинг ижро муддатида узилиш бўлмаяпти. Яна бир жиҳати — мурожаатчиларнинг ҳам вақти, ҳам улар оладиган жавобнинг сифатида сезиларли ўзгариш бўлди. Энди улар ўзларига керакли бўлган жавобни қисқа муддатларда олмоқдалар. Мабодо, саволга жавоб уларни қониқтирмаган тақдирда, шу вақтнинг ўзида қайта мурожаат қилиш имкони яратилди. Тадбиркорлар ариза-мурожаатлари тўловлари, бажарилган ишларнинг далолатномаси ва расмийлаштирилаётган хатлар, мувофиқлик сертификатларининг электрон нусхалари архивини яратиш ҳам ушбу дастур орқали амалга ошириш йўлга қўйилди. Тадбиркорларга янада қулайлик яратиш мақсадида мурожаатларни электрон шаклда қабул қилиш учун марказимизнинг электрон манзили (сайти) доимий тарзда ишлаб турибди. Тадбиркорлар ва товар ишлаб чиқарувчилар, шунингдек, аҳоли манфаатларини кўзлаб йўлга қўйилган бу каби ишлардан асосий мақсад — истеъмолчилар манфаатини ҳимоя қилиш баробарида республикамизда тайёрланаётган, ишлаб чиқарилаётган ёки хориждан импорт қилинаётган турли хилдаги истеъмол товарларининг сифати, уларнинг мувофиқлигини таъминлашдан иборатдир.

**Гулнора ЖАББОРОВА,**
“Тошкент синов ва сертификатлаштириш маркази” давлат корхонаси бўлим бошлиғи

➢ **Ҳамкорларимиз фаолиятидан**

Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Федерацияси Марғилон шаҳар жамияти томонидан ўтган 2014 йил мобайнида бир қанча салмоқли ишлар амалга оширилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 ноябридаги “Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан аҳолининг ҳуқуқий ва истеъмол маданиятини ошириш мақсадида корхона-ташкилот ҳамда ўқув юртларида тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилди ва жойларда қўшимча таянч гуруҳлари шакллантирилди. Қолаверса, истеъмолчилардан тушаётган ариза ва шикоятларни кўриб чиқишда қонунларда белгилаб қўйилган тартибда иш олиб борилди.

# Фуқароларнинг ҳуқуқлари — қонун ҳимоясида

Жумладан, 2014 йил мобайнида истеъмолчилардан 28 та ёзма, 4 та оғзаки, жами 32 та ариза ва шикоятлар тушган бўлиб, ўз вақтида истеъмолчиларга жавоб хатлари тақдим этилди. Истеъмолчилардан тушган мурожаатлар асосида Марғилон шаҳар “Сувоқава” ишлаб чиқариш давлат корхонасида, “Водийгазтаъминоти” УК Марғилон филиалида, “Электр тармоқлари” корхонасида, “Қурилиш материаллар бозори”да ўрганув ишлари ўтказилиши натижасида йил мобайнида жами 13 336 326 сўм миқдоридаги маблағ истеъмолчилар фойдасига ҳал қилинди.

Айтиш мумкинки, туман аҳолиси томонидан коммунал хизмат кўрсатиш корхоналарида қайд этилаётган нореал қарздорликлар юзасидан кўплаб мурожаатлар келиб тушмоқда. Бу борадаги муаммолар ва уларнинг олдини олиш юзасидан ташкилотларга 2014 йилнинг биринчи чорагида билдиришномалар юборилган бўлишига қарамай, бундай ҳолатлар камайганича йўқ. Жумладан, келиб тушган мурожаатларнинг 80 фоиздан ортиғи айнан шу мазмундаги аризаларга тўғри келди. Ушбу аризалар ўрганиб чиқилиб, нореал қарздорликлар аниқланган ҳолатларда чегириб ташланди.

Хусусан, шундай аризалардан бири Марғилон шаҳар, Келажак кўчаси 26-уйда яшовчи фуқаро О.Мўйдиновага тегишли бўлиб, унинг ёзишича, у ишлайдиган “Меҳрибонлик уйи”да ходимларнинг табиий газдан бўлган қарздорликлари бўйича берилган рўйхатда фуқаро О.Мўйдиновага 1,416,995 сўм қарз кўрсатилган бўлиб, ушбу қарздорлик асл вазиятга номувофиқ эканлиги боис ушбу ҳолатни ўрганиб чиқишни сўраб, филиал раҳбариятига ҳамда жамиятга мурожаат қилган. Ушбу ариза жамият мутахассислари ҳамда филиалнинг мижозлар бўлими томонидан кўриб чиқилиб, тўланган тўловлар бўйича ўрганув ўтказилганида хонадон қарзи йўқлиги аниқланган.

Марғилон шаҳар, Оқибат кўчаси 20-уйда яшовчи фуқаро М.Турсунованинг аризасида билдиришича, бир неча нафар филиал ходимлари унинг хонадонига келиб, 1,334,000 минг сўм қарздорлиги борлиги сабабли газ тармоғини муҳрлаб қўйишган ва далолатнома тузилган. Доимо тўловларни ўз вақтида амалга ошириб келган фуқаро ўз-ўзидан бундай ҳаракатдан норози бўлган ва ушбу ҳолат бўйича содир бўлаётган қонун бузилишни аниқлаш мақсадида жамиятга мурожаат қилган. Ушбу ариза кўриб чиқилиб, хонадоннинг табиий газдан аслида 177,442 сўм қарздорлиги борлиги аниқланган. Бундан ташқари, Б.Нақшбандий кўчаси 36-уйда яшовчи З.Ҳасановага телефони орқали газдан 500,000 сўм қарздорлиги ҳақида SMS-хабар келганидан сўнг филиал раҳбариятига қилган мурожаати натижа бермаганлиги сабабли жамиятга мурожаат қилган. Ушбу ариза ҳам ўрганиб чиқилганида, 2014 йил 4 ноябрь кунида филиал томонидан берилган маълумотномада қарзи йўқлиги аниқланди.

Юқорида кўрсатиб ўтилган қонун бузилиш ҳолатлари юзасидан қонуний чора кўрилиши учун Фарғона вилояти “Водийгазтаъминот” УК ҳудудий бошқармасига тақдимнома киритилиб, мазкур қонун бузилиш ҳолатларига йўл қўйган ходимларга нисбатан мансаб йўриқномасида кўрсатилган вазифаларни сидқидилдан бажармасдан, истеъмолчиларнинг ҳақиқий қарздорлигини аниқламасдан ҳисоб-китоб ишларини тўғри юритмаганликлари учун интизомий жазо чоралари қўлланилди.

**Абдусаттор НЎМОНОВ,**
ЎИҲҲҚЖФ Марғилон шаҳар жамияти матбуот ва ахборот бўйича мутахассиси

# Кузатув камералари жиноятни фош этди

➢ **Адолат тарозиси**

Назира мамлакатимиз пойтахтида жойлашган нуфузли олийгоҳларнинг бирида таҳсил олади. У отасининг энг яқин дўсти Илҳом аканинг ўғли Икромжон билан унаштирилди.

Карнай-сурнай садолари остида куёв навкарлар ўйин-кулги билан келиннинг хонадонига келишди.



Келин-куёв бир-бирига узукка кўз қўйгандек мос эди. Ўзбекона расм-русумлар бажарилганидан сўнг куёв келинни олиб, дўстлари билан шаҳар айлангани ҳашаматли «Лимузин» машинасига ўтиришди, тўпланган кексалар, қариндош-уруғ, ёру бирродарлар икки ёшга бахт тилаб, уларни бахтли-саодатли бўлиши учун қўл очиб дуо қилишди. Машиналар кортежи шаҳар маркази томон турнақатор бўлиб тизилиб кета бошлади.

Келин-куёв шаҳарнинг диққатга сазовор масканларини сайр қилишди.

...Тўйхонада келин-куёвнинг йўлига кўз тикиб ўтирган меҳмонлар ёшларни гулдурос қарсаклар билан кутиб олишди. Шу ернинг ўзида туман ФҲДЁ бўлими ходимаси икки ёш ўртасида никоҳ тузилганлигини қайд этиб, уларни ягона оила сифатида эълон қилди.

Тўйга ташриф буюрган меҳмонлар орасида Назиранинг курсдоши Мансур ҳам ўтирганди. У илгари ҳеч спиртли ичимлик истеъмол қилмаган эди. Тўйда эса негадир кетма-кет қадаҳ бўшатаётган Мансурнинг тезда кайфи ошиб қолди. У ёнида ўтирган дўстларига қулоқ солмасдан келин-куёв ўтирган столга борди ва ўзича куёв бўлмиш Икромжон билан гаплашмоқчи бўлди. Шунда куёвжўра Ғанишер Мансурнинг ёқасидан ушлаб тўйхонадан ташқарига судраб олиб чиқиб кетди.

Унинг кетидан йигитлар ёпирилиб чиқишди ва тўйхона ташқарисида ростмана муштлашув бошланди. Ким кимни дўппослаётганини англаш қийин эди, чунки тўйхонадан чиққан бошқа йигитларнинг ҳам кайфи таранг эди. Бир пайт шу жанжалда бўлган Ҳалим чўнтагидан пичоғини чиқариб, Мансурнинг қорин қисмига икки маротаба урди. Мансур қорнини икки қўли билан чангаллаганча, ерга йиқилди, эгнидаги оқ кўйлаги бир зумда қизил рангга бўялди. Атрофда қий-чув, бақир-чақир бошланди. Тўйхонадан чиқиб келган қўриқлаш хизмати ходимлари ерда қонга беланиб инграб ётган Мансурни кўриб дарҳол “тез ёрдам”га қўнғироқ қилишди. Шифохонада кўрсатилган тез тиббий ёрдам йигитни асраб қолди.

Воқеа жойига зудлик билан етиб келган тергов-тезкор гуруҳининг суриштирув ишлари бошланди. Тўйхона ташқарисига маъмурият томонидан ўрнатилган камера видеоёзуви олинди ва ушбу тасвирдаги ҳолатлар изчиллик билан ўрганилди. Тўйга меҳмон сифатида келган бир нечта йигитлар Мансурни қандай қилиб тўйхонадан кўчага олиб чиқишгани, уни ўртага олиб калтаклашгани, Ҳалим қандай ҳолатда Мансурнинг қорнига пичоқ уриб, пичоғини майсалар орасига отиб юборгани тасвирга тушиб қолганди. Айнан ўрнатилган кузатув камерасидаги ёзувлар ёрдамида ушбу жиноят тезликда очилди.

Йиллар давомида меҳнат қилиб, фарзандининг камолини кўраман, тўй-томоша қиламан деган ниятда юрган Илҳом Маҳмудовнинг дили хуфтон, меҳмонлар ҳам хижолатда...

Ўз хатти-ҳаракатининг оқибатини ўйламаган Ҳалим Қурбонов ва унинг шериклари устидан жиноий иш қўзғатилиб, улар суднинг қора курсисига ўтиришди ҳамда тегишли жазоларини олишди.

Ҳар қандай ўйланмай қилинган қонунбузарликнинг оқибати аянчли тугаши мумкинлигини унутмаслигимиз зарур, зеро, жиноятга жазо муқаррар.

**Шуҳрат АҲРОРОВ,**
Тошкент шаҳар Олмазор тумани ИИБТБ бўлинма бошлиғи, подполковник

**?** Сўраган эдингиз?

# Фарзандликка олиш қандай амалга оширилади?

**— Яқинда бир дўстим «Меҳрибонлик уйи»да тарбияланаётган болалардан бирини фарзандликка олишни режалаштираётганини айтиб қолди. Айтинг-чи, фарзандликка олиш тартиби ва шартлари қандай?**

Ш.Аҳмедов, Зомин тумани

*— Сўнгги йилларда оила қонунчилигини такомиллаштириш бўйича бир қанча ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг фарзандликка олишга оид боби ҳам ўзгартирилди. Яъни, 2013 йил 30 апрелда “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун қабул қилинишига қадар ушбу кодекснинг тегишли моддаларида болани фарзандликка олишни истаган шахсларнинг аризасига биноан ҳамда васийлик ва ҳомийлик органи тавсиясига кўра туман, шаҳар ҳокими қарори билан амалга оширилар эди.*

*Эндиликда эса Оила кодексининг 151-моддасига муҳим ўзгартиш киритилиб, унга кўра, фарзандликка олиш тўғрисидаги ишлар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексида назарда тутилган қоидалар бўйича алоҳида иш юритиш тартибида, фарзандликка олувчилар (олувчи), васийлик ва ҳомийлик органлари вакиллари, шунингдек, прокурор иштирокида суд томонидан кўриб чиқилиши белгиланди.*

*Бундан асосий мақсад бола ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этишдир.*

*Фарзандликка олишни сир сақлаш қонун билан ҳимоя қилиниб, фарзандликка олувчининг ёки васийлик ва ҳомийлик органининг эркига хилоф равишда фарзандликка олиш сирини ошкор қилган шахслар қонун билан белгиланган жавобгарликка тортиладилар.*

*Яна бир муҳим жиҳат, агар бола фарзандликка олувчиларнинг оиласида тарбияланаётган бўлса ва уларни ўз ота-онаси деб эътироф этса, фарзандликка олиш фарзандликка олинаётган боланинг розилигисиз амалга оширилиши мумкин.*

**Махбуба РАЖАБОВА,**
Зомин тумани ФҲДЁ бўлими мудири

# Эълон чиққандан сўнг қанча муддатда тугатилади?

**— Молия-хўжалик фаолияти деганда нима тушунилади?**

Б.Махсадов, Тошкент шаҳри

*— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 июлдаги “Молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирмаган корхоналарнинг тугатиш тартиби тўғрисида”ги 327-сонли қарори билан тасдиқланган Низомнинг 1.2-бандига асосан корхоналарнинг маҳсулот ишлаб чиқариш, ишларни бажариш ҳамда бухгалтерия-молия, ҳисоб-китоб ва товарга илова ҳужжатларини юритиш билан боғлиқ хизматлар кўрсатиш фаолияти молия-хўжалик фаолияти деб ҳисобланади.*

**— Матбуотда корхонанинг тугатилиши тўғрисида эълон чиққандан сўнг қанча муддатда ва қандай ҳужжатлар тақдим этилганда корхона рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан давлат реестридан чиқарилиши мумкин?**

А.Аҳмедов, Самарқанд шаҳри

*— “Молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирмаган корхоналарни тугатиш тартиби тўғрисида”ги 327-сонли қарор билан тасдиқланган Низомнинг 4.2-бандига асосан корхонанинг тугатилиши тўғрисида матбуотда эълон чиққандан сўнг камида бир ойдан кейин қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилганда корхона рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан давлат реестридан чиқарилиши мумкин:*

*- корхонани унинг тугатилиши муносабати билан юридик шахслар давлат реестридан чиқариш тўғрисидаги ариза;*
*- хўжалик судининг корхонани тугатиш тўғрисидаги қарори;*
*- давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома;*
*- банк муассасасининг фойдаланиш ҳуқуқини бермайдиган махсус ҳисобварағи ҳамда кутилмаган ҳолатлар ҳисобварағи ёпилганлигини тасдиқловчи ҳужжати;*
*- солиқ органининг корхона давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан бошлаб молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаганлиги тўғрисидаги маълумотномаси;*
*- оммавий ахборот воситаларида корхонанинг тугатилиши тўғрисида эълон чиқарилганлигини тасдиқловчи ҳужжат;*
*- солиқ органи томонидан тасдиқланган тугатиш баланси;*
*- ҳужжатлар Давлат архивига топширилганлигини тасдиқловчи маълумотнома тақдим этилганда.*

Саволларга Адлия вазирлиги масъул ходими **Илҳомжон АБДУСАТТОРОВ** жавоб берди.


Reklama

**«ISHONCH MULK SAVDO» МЧЖда**
**ташкил қилинган танлов савдоси натижалари ҳақида хабарнома**

***«ISHONCH MULK SAVDO» МЧЖ томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори асосида ер участкаларига бўлган ҳуқуқларнинг танлов савдоси натижалари.***

2015 йил 9 февраль куни танлов савдосида Бухоро шаҳри Мустақиллик кўчаси ёқасидан шаҳар ҳокими захира ерлари ҳисобидан:
- клиника биноси қурилиши учун 325.0 кв.метр бўлган бошланғич қиймати 309 081.5 сўм бўлган ер участкаси 5 000 000 сўмга;
- кўп қаватли турар жой биноси қурилиши учун 480.0 кв.метр бўлган 456 490 сўм бўлган ер участкаси 8 500 000 сўмга сотилди.

*Лицензия RR-0198*

**ЭЪЛОН!**
**«Global Savdo Fayz Buxara» МЧЖ томонидан**

“Адолат” газетасининг 2015 йил 20 февралдаги 8(1020)-сонида чоп этилган эълонидаги 2015 йил 26 март куни бўлиб ўтадиган «Очиқ аукцион» савдоларига Бухоро шаҳар 2-автокорхона давлат унитар корхонасига тегишли бўлган қуйидаги автотранспорт воситалари:

**1.** 1988 йилда и/ч, д/р 80/839 ОАА бўлган ГАЗ-53 АБЦ русумли автотранспорт воситаси. **Б/б – 3 500 000 сўмга;**
**2.** 1985 йилда и/ч, д/р 80/946 ОАА бўлган ГАЗ-53 АБЦ русумли автотранспорт воситаси. **Б/б – 3 500 000 сўмга;**
**3.** 1998 йилда и/ч, д/р 80/836 ОАА бўлган ПАЗ-3205 русумли автобуси. Б/б – **4 550 000 сўмга** ўзгарганини маълум қилади.

Қўшимча маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин. Савдо ташкилотчининг манзили: *Бухоро шаҳар, Мустақиллик кўчаси, 10-уй. Телефон/факс: 8 (365) 221-54-43.*

*Хизматлар лицензияланган.*

# Турли ёт ғоя ва зарарли таъсирлардан ёшларни асрайлик

**➢ Партия ташаббуси билан**

Ўзбекистон "Адолат" СДП Миробод туман кенгаши бугунги куннинг долзарб масалаларига бағишлаб жойларда давра суҳбатлари, учрашув ва мулоқотлар ташкил этмоқда. Ана шундай тадбирларнинг бири Тошкент темир йўл муҳандислари институтида бўлиб ўтди.

## партиянинг Сайловолди дастурида белгиланган бу муҳим вазифа ҳаётда ўз амалий ифодасини топмоқда



Институт профессор-ўқитувчилари, талабалари иштирок этган тадбирда Ўзбекистон "Адолат" СДП Миробод туман кенгаши раиси, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати, социолог олим Тошпўлат Матибоев "Мамлакат хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлаш — бош мақсадимиз" мавзуида маъруза қилди.

Таъкидланганидек, ўсиб келаётган ёш авлодни тарбиялаш ва камол топтириш, улар жамият ҳаётидан муносиб ўрин топиши учун кўмаклашиш ҳар биримизнинг шарафли бурчимиздир. Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг Сайловолди дастурида бу масалаларга алоҳида эътибор қаратилган. Партиянинг бош вазифаси мамлакатимиз таълим тизимининг фуқароларнинг комил шахслар бўлиб шаклланишига йўналтирилган, инсон омилини намоён этадиган, меҳнат бозори талабларига жавоб берадиган мутахассисларни етиштириб берадиган энг яхши анъаналарини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришдан иборат. Дастурда белгиланганидек, "Адолат" СДП мамлакатимиз келажаги соғлом ва ҳар томонлама уйғун ривожланган ёшлар қўлида, деб ҳисоблайди. Дунёнинг турли минтақаларида зиддиятлар, беқарорлик кучайган, ихтилофлар давом этаётган бир шароитда биз ёшларимизни, ўз фарзандларимизни турли зарарли таъсирлардан ҳимоя қилишимиз зарурлигини ёддан чиқармаслигимиз керак.

Юртимизда ёшларга оид давлат сиёсати изчил амалга оширилмоқда. Унинг самарасини ёшларга яратиб берилаётган қулай шарт-шароитларда ҳам кўриб турибмиз. Ёшларимиз ўзларининг ўқиш ва ишдаги фаолликлари билан тилга тушмоқдалар. Янгиликлар яратиб, эришган ютуқлари билан юртимиз довруғини дунёга тараннум этмоқда. Дунё миқёсида ўтказилаётган фан олимпиадалари ва спорт мусобақаларида олтин медалларни қўлга киритиб, ғолиблик нашидасини сурмоқдалар.

Бугунги глобаллашув ва ахборот алмашинуви асрида ёшларимизни турли ёт ғоялар ва зарарли таъсирлардан асраш асосий вазифага айланиб бормоқда. Глобаллашув ва ахборот алмашинуви жараёнлари дунё халқлари маданиятларининг яқинлашуви, уларнинг бир-биридан озиқланиши, бир-бирига таъсир ўтказишига имкон бермоқда. Бу бир томондан турли миллат ва элатларнинг бошқа халқлар маданияти, урф-одати, қадриятлари билан танишиши, тафаккур тарзи ва дунёқараши кенгайиши учун хизмат қилаётган бўлса, иккинчи томондан "оммавий маданият" ниқобидаги ахлоқий бузуқлик, зўравонлик, эгоцентризм ва индивидуализм ғояларига асосланган қарашларнинг пайдо бўлишига ҳам туртки бермоқда. Ваҳоланки, "оммавий маданият" ниқоби остида дунёда тарғиб этилаётган ахлоқсизлик, беҳаёлик, зўравонлик ва бузғунчилик каби бундай иллатлар ҳеч бир халқнинг миллий маданиятига ҳам, умумбашарий қадриятларга ҳам тўғри келмайди.

Замонавийлик, бугунги ҳаёт шиддатига ҳамоҳанг бўлиш аксарият ёшларимизга хос хислат. Бундай ёндашув, яъни янгиликларни тез илғаш ва улардан бохабар бўлиш, компьютер техникасидан юқори даражада фойдаланиш уларнинг турмуш тарзига тобора тез сингиб бормоқда. Бир неча тилда бемалол сўзлаша олиш, интернет оламига кириб дунё воқеаларини англаш кўникмаси шаклланганлиги бугунги ёшларнинг ютуғи, қолаверса, омади ҳамдир. Бироқ, глобаллашув жараёнларида турли ғоялар кураши, ахборот хуружлари, мафкуравий тазйиқлар тобора авж олаётгани сир эмас. Негаки, арзимасдек туюлган кичик бир хабар ҳам одамларнинг, айниқса, айрим ёшларнинг маънавий дунёси, тарбиясига салбий таъсир этиши мумкин. Бугун кескин тус олаётган "оммавий маданият" маънавий таҳдидлардан биридир. Гарчи "маданият" деб аталса-да, аслида, туб мазмун-маъносига, мақсад-ниятига кўра "оммавий маданият" чинакам маданиятнинг кушандасидир. Миллий қадрият ва қарашларимизга ёт бўлган "оммавий маданият"нинг ҳозирги вақтда ҳаётимизга кириб бораётган кўринишларининг ва шу йўсиндаги маънавий хуружларнинг ўта хавфли ҳолат эканини барча англаши ва огоҳ бўлишини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Ғарб жамияти маънавий ҳаётида инқироз, тушкунлик туфайли бузғунчилик, ахлоқсизлик, тажовузкорлик каби ҳолатлар намоён бўлиб, тобора хатарли тус олмоқда. Файласуф ва социолог олимларнинг фикрича, илм-фанда "антикультура" — "ғайримаданият» деган илмий тушунча ҳали шаклланмагани сабабли "оммавий маданият" тушунчаси заруратдан қўлланилмоқда. Чунки, "оммавий маданият" аслида маданиятсизлик, яъни маданиятсизлик ва ахлоқсизликнинг синонимидир. "Оммавий маданият" шу боисдан, энг аввало, юксак истеъдод ва ўлмас маънавий-ахлоқий ғоялар байроқдори бўлган мумтоз маданиятга, санъатга, унинг бойликларига қарши тиш-тирноғи билан курашиб, уни инкор этиб келяпти.

Бугунги кунга келиб, муайян мамлакатни забт этиш, бирор халқни бўйсундириш воситалари ва уларнинг моҳияти тубдан ўзгарди. Илгари бу мақсадларга эришиш учун қанчадан-қанча қурол-аслаҳалар, техникалар, минглаб аскарлар керак бўлган бўлса, ҳозирда турли ахборот воситалари, реклама роликлари, кино маҳсулотлари, кийим турлари шаклидаги ўзига хос хуружлар авж олаётир. Куч ишлатиш, мажбурлаш, зўравонлик ахборот орқали таъсир қилиш, одамларни бирор-бир ғояга ишонтириш, онгни бошқариш технологияларига ўрин бўшатяпти. Ваҳоланки, сўз, фикр, тасвир ахборот орқали инсон тафаккурини забт этиш ҳам маълум бир ҳудудни босиб олишнинг бироз маданийлашган кўриниши ҳисобланади, бироқ бунда истилочининг ким экани номаълум бўлади.

"Оммавий маданият" кишини оиласидан, ўзи яшаб турган жамиятдан, Ватанидан узоқлаштиради. Натижада унинг таъсирида қолган киши учун ҳеч қандай муқаддас нарсанинг ўзи қолмайди. У ўзининг тор манфаати йўлида исталган нарсадан воз кечиши мумкин.

Тадбир кун тартибидаги асосий маърузадан сўнг иштирокчиларга "Жаҳолат ботқоғи" ҳужжатли фильми намойиш этилди. Ғоявий жиҳатдан маъруза билан уйғунлашиб кетган мазкур фильм барчада катта қизиқиш уйғотди. Социолог олим Т.Матибоев йиғилганларни қизиқтирган саволларга батафсил жавоб берди.

**Гўзал АҲМАДАЛИЕВА,**
ЎзДЖТУ талабаси

---

## ЯНГИ ВИРУС ТЕЛЕФОН ЎЧГАНИДАН КЕЙИН ҲАМ ИШЛАЙВЕРАДИ



**AVG таҳлилий компанияси жуда тез тарқалаётган янги Android-вируси ҳақида маълумот берди. Эътиборли томони шундаки, телефон манбадан узиб қўйилганидан кейин ҳам мазкур вирус смартфонларнинг ресурсларидан, жумладан, камера ва GSM-модулдан фойдаланаверади.**

Шу ҳолатдан келиб чиққан ҳолда мутахассислар бундай вирус тушган смартфонлар аслида ўчмаслигини таъкидлашмоқда, яъни вируснинг ўзи иш тугаганлиги жараёнини кўрсатади, холос. Натижада бундан унумли фойдаланган хакерлар бемалол масофадан туриб керакли овозларни ёзиб олишлари, хабарлар юборишлари ва ҳаттоки суратга олишлари мумкин.

Маълумотларга кўра, Android-вирус аллақачон ўн мингдан ортиқ мобиль қурилмаларни зарарлаб улгурган, уларнинг асосий қисмидан Хитойда фойдаланилмоқда.

Мутахассислар зудликда янги вирусни аниқлайдиган дастур ишлаб чиқдилар. Шунга қарамасдан, экспертлар бундай вирус тушганлиги эҳтимоли бор смартфонларни шунчаки ўчириш билан чекланмасдан, батареяларини ҳам олиб қўйишни тавсия этмоқдалар.

---

## ҚИЗМИ У, ЙИГИТМИ У?..

**Америкада аёл спортчига эркаклар билан куч синашишни таклиф этишди.**



Мутлақ жанговар чемпионат (UFC) президенти Дана Уайт аёллар орасида чемпион бўлган 28 ёшли Ронда Роузини... эркак спортчиларга қарши рингга чиқишга чорлади.

Албатта, Уайт ҳазиллашмаяпти. Зеро, бугунги кунда 61 килограмм вазнгача бўлган спортчилар орасида Роузи тенгсиз спортчи ҳисобланади: 10 ғалаба, 0 мағлубият, 0 дуранг. Жумладан, 2014 йилнинг ёз фаслида ўтказилган жангнинг 16-сониясидаёқ Ронда канадалик рақибасини нокаутга учратди.

Ронда Роузи 2013 йилнинг февраль ойидан UFC аъзоси. Бунга қадар эса 2007 йилги жаҳон чемпиони, 2007 йилги Панмерика ўйинларида олтин, Олимпида-2008 ўйинларида эса дзюдо бўйича бронза медалини қўлга киритган.

Тез орада, аниқроғи 28 февраль куни Роузи бразилиялик Кэт Зинганога қарши рингга чиқади. Мутахассислар бу жангда Роузи осонлик билан ғалабага эришади деб ҳисоблашмоқда. Ана шундан кейин у UFCнинг мутлақ маликасига айланади.

Сир эмас, жанг санъати кўпроқ эркакларга тегишли спорт тури ҳисобланади. Бироқ, қайд этиш жоиз, Ронданинг жанглари ўтадиган спорт заллари ҳамиша томошабинлар билан лиқ тўла бўлади. Балки шу сабаблидир, мутахассислар Роузининг эркак кишига қарши жангга чиқиши катта шов-шувлар билан бир қаторда продюсерларга катта маблағ келтиришини таъкидлашмоқда.

Тўғри, мамлакатда бундай жанг ўтказилишини ҳамма ҳам қўллаб-қувватламаяпти. Жумладан, АҚШда ўтказиладиган турли яккакураш жангларини мувофиқлаштириб турадиган махсус давлат ҳайъати бундай тўқнашувга рухсат бермаса керак. Бундан ташқари, айрим мутахассислар Роузи ўз вазн тоифаси бўйича ҳам эркак спортчига қарши жангга туша олмайди, чунки табиатан эркак аёл кишига нисбатан кучлироқ бўлади, дейишмоқда. Октагонга (саккиз бурчакли ринг) кучли ва кучсиз рақибни чиқариш эса асл спортга хос эмас.

Шунга қарамасдан, айрим мутахассислар Роузига қарши жангга чиқадиган эркак спортчини таклиф этишдан чарчашмаяпти. Улар орасида энг тилга тушгани эса 29 ёшли Жей Диллашоудир. У 2010 йилдан буён профессионал спортда, октагонда 11 марта ғалабага эришган, икки марта мағлубиятга учраган.

Хўш, Ронданинг ўзи бундай шов-шувли чиқишларга қандай муносабат билдирмоқда? Чемпион ҳозирча ўзининг... ижодий ишларига боши билан шўнғиб кетган. Ахир у Голливудда. Роузи "Тап тортмаслар" бадиий фильмининг учинчи қисмида спортчи аёл ролини ижро этди. Шу кунларда эса "Форсаж 7"да ҳам бир эпизодик роль устида ишламоқда...

Ҳар қалай, ўзининг кўп сонли мухлис ва мухлисаларининг муҳаббатига сазовор бўлган Ронда Роузига ортиқча реклама, шов-шув керак эмасга ўхшайди. Шунисига ҳам шукр...

---

# Меҳр беринг, муҳаббат беринг...





Нима учун ўз уйида, оиласи бағрида соғ-саломат, ўйнаб-кулиб юрган кексалар "Қариялар уйи"га олиб келинганларидан сўнг бирданига касалликларга тез чалинадиган бўлиб қоладилар, яшашга нисбатан қизиқиш-интилишларини йўқотадилар ва қисқа муддат ичида ҳаётларини поёнига етказадилар?

Руҳшунослар Эллен Жей Лангер ва Жудит Роден АҚШнинг Коннектикут штатидаги Арден-Хауз "Қариялар уйи"да мана шу саволнинг жавобини изладилар. Бундан ташқари, руҳшунослар инсон ҳаттоки майда-чуйда масалаларда ҳам қанчалик кам қарор қабул қила бошласа, шунчалик тез соғлиғидан ажралади, деган гипотезани ҳам текшириб кўрдилар.

Олимлар тажриба учун икки гуруҳ қарияларни олдилар. Биринчи гуруҳ иштирокчилари одатдаги турмуш тарзида яшашда, яъни ҳамма масалада маъмурият ва ходимларнинг айтганларини сўзсиз бажаришда давом этишди. Иккинчи гуруҳга эса хоҳишларига кўра хоналардаги жиҳозларнинг ўринларини алмаштириш, туваклардаги гулларни мустақил парваришлаш каби қатор ҳуқуқлар берилди. Шунингдек, мазкур гуруҳ иштирокчилари пайшанба ва жума кунлари намойиш этиладиган фильмларни ўзлари танлаб олишлари мумкин эди.

Маълум бўлдики, бир хил шароитларда яшаётган бўлишларига қарамасдан, орадан уч ҳафта ўтар-ўтмас иккинчи гуруҳдаги мижозлар ўзларини тетикроқ ҳис қила бошлашган, уларда яшашга, ҳаётга қизиқиш, муҳаббат ортган. Энг асосийси, улар ўзларини ҳали керак одамлар деб ҳисоблай бошлашган. Шифокорлар ҳам бу ҳолатни тасдиқлашди.

Тажриба 18 ой давом этди. Тадқиқотчилар ўтган вақт мобайнида жисмоний-ақлий жиҳатдан фаолроқ яшашга ўтган, катта-кичик масалалар бўйича ўзларининг қарорларини қабул қила бошлаган қариялар гуруҳида касалланиш ҳолати 30 фоизга камайганини қайд этишди.

Олимлар ўтказган тажрибалар жараёнида яна бир қонуният аниқланди. Бошқаларга ғамхўр, ширин сўз бўлган ота-оналарнинг фарзандларида бундай фазилатлар болалигидан шаклланган бўларкан. Қуш уясида кўрганини қилади, деб бежиз айтишмаган ахир. Бундай одамлар, ҳатто ўзлари хоҳлаган тақдирда ҳам, бошқаларга ёмонлик қила олмайдилар. Демак, меҳр-муҳаббат улашиб яшаётган инсоннинг авлодлари ҳам ўз умрларини бу борада бошқаларга ибрат бўлиб ўтказишар экан.

---

## ДНК: маълумотлар хазинаси

**Швейцариядаги Цюрих олий техника мактаби олимлари муҳим маълумотларни ДНКда миллионлаб йиллар сақлаш мумкинлигини исботлашди.**



Буни ҳатто тасаввур этиш ҳам мушкулдир, аммо вазни бор-йўғи граммга тенг ДНКда 455 эксабайт (455 миллион терабайт) ҳажмидаги маълумотни сақлаш мумкин экан! Тадқиқотчилар бундан 700 минг йил илгари вафот этган от суягидан олинган ДНКни таҳлил этганларидан кейин шундай хулосага келишди.

Олимлар ДНКга маълумотларни кодлаш орқали киритишди (иккиланган код: аденин (А) ва цитозин (С)). Бундай кодлардан маълумотларни қайта тиклашда кенг фойдаланилади. Энг асосийси эса ДНКга зарар етгани ҳолда ҳам маълумотлар тўлалигича сақланиб тураверди.

Тажрибалар Цельсий бўйича 10 градуслик шароитда ДНК маълумотлари икки минг йил сақланишини, 18 градуслик совуқда эса бу кўрсаткич икки миллион йилдан кўпроқни ташкил этишини кўрсатди.

Тўғри, ҳозирча мазкур усулдан оммавий равишда фойдаланишнинг мураккаб томонлари бор. Жумладан, 83 КБ ҳажмга эга маълумотни ДНКга кодлаб киритиш учун бир ярим минг долларга яқин маблағ сарфланмоқда. Бироқ, олимлар бу борада яқин йиллар ичида арзон ва янада самарали усул топилишига ишонч билдиришмоқда.

Интернет хабарлари асосида
«Adolat» мухбири **Бобиржон ТУНГАТОВ** тайёрлади.

---

**➢ Божхона бекати**

Тамаки маҳсулотларининг ноқонуний айланмасига чек қўйиш, акциз маркасиз ёхуд бошқа давлатларнинг акциз ёрлиғига эга бўлган тамаки маҳсулотларининг олиб кирилишининг олдини олиш божхона органлари зиммасига юкланган муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Республикамиз божхоначилари томонидан тамаки маҳсулотларининг божхона чегаралари орқали ноқонуний олиб ўтилишининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар давом эттирилмоқда.

# ҚОИДАБУЗАР "КАШАНДА"ЛАР

Натижада ўтган 2014 йилда республикамиз божхоначилари томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа идоралар вакиллари билан ҳамкорликда 227 та божхона қоидабузарликлари фош қилиниб, натижада қиймати 628 миллион сўмдан ортиқ бўлган 213,6 минг қути тамаки маҳсулотларининг ноқонуний олиб ўтилишига чек қўйилди.

Жумладан, Сурхондарё вилояти божхона бошқармаси ходимлари томонидан республикамиз ҳудудидан транзит тарзида ўтаётган "Душанбе-Москва" йўловчи поезди ресторани божхона кўригидан ўтказилганда, қўшни давлат фуқароси Х.Қаюмовга *(мақоладаги барча исм-шарифлар ўзгартирилган)* тегишли 2 турдаги 110 қути тамаки маҳсулотлари вагон ойналари орасига яширилганлиги аниқланди.

"Олот" чегара божхона комплекси орқали ўз юртига қайтаётган туркманистонлик А.Чариеванинг эса 2 турдаги 130 қути тамаки маҳсулотларини божхона кўригидан яширинча олиб чиқишга бўлган уриниши наф бермади.

Пойтахтимизнинг "Келес" темир йўл чегара божхона пости ходимлари эса Москвадан кириб келган поезд йўловчиси К.Ваҳобов томонидан 2 турдаги 400 қути тамаки маҳсулотларининг яширинча олиб кирилишига чек қўйишди.

Тошкент халқаро аэропортида эса Истанбулга парвози олдидан андижонлик И.Раимованинг қинғир қилмиши фош қилинди. Бу аёл йўловчи божхона декларациясида ва божхона ходимининг оғзаки сўрови пайтида маълум қилмасдан туриб, 370 қути тамаки маҳсулотларини қўл юклари орасига яширганча олиб чиқишга уринган экан.

"Дубай-Тошкент" рейси бўйича парвозини якунлаган Ш.Баҳромов ҳам "кашанда"лар тоифасидан экан. Қаранг-ки, ушбу шахс 390 қути тамаки маҳсулотларини йўловчи божхона декларациясида ва оғзаки сўровлар пайтида маълум қилишни гўёки "унутиб" қўйибди.

Шунингдек, аэропорт божхоначилари Шарджадан қайтган пойтахтлик Г.Абдурасуловага тегишли багажни божхона кўригидан ўтказишаётиб, юклар орасига 540 қути тамаки маҳсулотлари яширилганлигини ҳам фош қилишди.

Ҳозирда мазкур ҳолатлар юзасидан божхона текширувлари ва суриштирув ҳаракатлари давом эттирилмоқда.

Эслатиб ўтамиз, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1996 йил 10 сентябрда 279-сон билан рўйхатга олинган "Ўзбекистон Республикаси ҳудудига жисмоний шахслар томонидан товарларни божсиз олиб кириш нормалари"га мувофиқ, жисмоний шахсларга 10 қутигача тамаки маҳсулотларини эркин олиб киришларига рухсат этилади.

Тамаки маҳсулотларини Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқишда эса жисмоний шахслар бу ҳақидаги маълумотларни йўловчи божхона декларациясининг 6-бандида қайд этишлари лозим.

Шунингдек, республикамизда тамаки маҳсулотларига акциз маркаларини қўллаш шу турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш, импорт қилиш, сақлаш, ташиш ва сотиш устидан давлат назоратини ўрнатиш, шунингдек, акциз солиғини тўлиқ йиғиб олиш, мазкур товарларнинг яширин тарзда ишлаб чиқарилишининг ёхуд Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб келинишининг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

Шу мақсадда 1996 йилнинг 1 октябридан бошлаб Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилаётган ва унинг ҳудудига олиб келинаётган тамаки маҳсулотларини белгиланган намунадаги акциз маркалари билан мажбурий маркалаш тартиби жорий этилган. Мазкур тартибларга риоя қилмасдан тамаки маҳсулотларини юртимизга олиб кириш, акциз маркаларини ёпиштирмаган ҳолда ташиш (халқаро транзитдан ташқари), сақлаш ва сотиш тақиқланади.

**Давлат божхона қўмитаси**
Ахборот хизмати

Давоми. Боши 1-бетда

# Дунё таниди Зулфияни, Дунё севди Зулфияни

Иззатлар, обрўлар унга осмондан тушгани йўқ! Зулфияхоним аччиқ айрилиқни катта матонату меҳнат ва ижод билан, фарзандларини камолга етказиш шодлиги билан енгиб яшади. Ерининг қаламини ҳам етим қолдирмай, унинг учун ҳам ёзиш, унинг учун ҳам яшаш, унинг учун ҳам Ватанга фидойиларча хизмат қилиш ва унинг азиз хотирасини садоқат билан, софлик билан эъзозлаш илмини кашф этди.

Билмадим, устоз шоира билан йигирма йил ёнма-ён ишлаб, улардан таълим олганим, меҳр кўрганим учунми, Зулфия опа ҳақидаги ҳар бир сўз менга нақадар қадрли. Ва устоз ҳар гал бор бўй-басти билан кўз ўнгимда намоён бўлади. Зулфия опа ҳақида улар пенсияда эканликларида «Виждон тарозуси» номли китобча ёздим. Ўзлари қўлёзмани ўқиб, таҳрир қилганлар, миннатдор бўлганлар. Кейин 1 март — таваллуд кунлари республикамиз газеталарига дил сўзларимни деярли ҳар йили тўкиб солдим... Барибир кўнглим тўлмайди.

Зулфия опа ҳақидаги сўзим, ҳаяжоним яшайверади. Пенсияга чиқсам, устоз ҳақида роман ёзаман, деб орзу қилган пайтларим бўлган. Кейин эса... кучим етмади, юрагим чидамади. Барибир устозни унутиб бўлмайди...

— Қани, ўқинг-чи, ёзганларингизни, — устоз бизни рўпараларига ўтқазиб, мардона сўзлардилар. Жуда буюк, жуда қаттиққўл ўқитувчи ҳузурида имтиҳон топшираётгандек, ёзувларимиз оддийга айланиб, улуғ инсон вақтини беҳуда олаётгандек туюларди. Ҳаяжондан юракларимиз тезроқ уриб кетарди...

Устоз эса энг яқин кишимиз, гўё онамиз бўлиб, кўзимизга меҳр билан қараб, соғлигимизни, бола-чақамизни, кайфиятимизни сўрар, ўсма қўйганимиздан тортиб, қўйлагимиз ярашганигача айтиб, кўнглимизни кўтарар... Кейин хотиржам ҳолатда «Қани, бошладикми?» дердилар. Барибир мен ёзганимни ўқиётганимда у кишининг салобати қаршисида пешонамни тер босар, аксига олиб, рўмолчам ҳам хонада қолиб кетган бўларди.

Устоз астойдил тинглаб, сатрма-сатр тузатар, сўз қўшиб, фикрга қанот бағишлар, ёзганларимизни ажабтовур одам қилиб қўярдилар. Ва ўзимизни ҳам шу аснода пишитиб, тоблаб, сўзни аяб ишлатишни, ҳаётни пухта ўрганишни, кўп ўқиш кераклигини, ижодий сафарларга борганда бир пиёла чойни ҳам ўйлаб ичишни, камтар, камсуқум бўлиб, ақлли иш тутишни тайинлар эдилар. «Сиз борган жойларга, балким бир кун мен ҳам бориб қоларман. Ўшанда сиз ҳақингизда яхши гаплар эшитгим келади», дердилар. Ўша-ўша бу топшириқ мен учун қатъий шиорга айланди.

Зулфия опанинг талаби, йўл-йўриғи, юксак фикрлари билан «Саодат» журналимизда аёлларнинг оилада тинч-тотув яшашига, ишлашига, дам олиши ва ижодига, қўйингчи, руҳиятини кўтаришга оид энг яхши ҳикоялар, шеърлар, тавсиялар берилди. Энг муносиб аёллар ҳақида очерк-лавҳалар ёздик.



Ҳа, устоз фикр айтишга, мавзу танлашга уста эдилар. Шунинг учунми у кишининг 35 йиллик бош муҳаррирлик пайтларида «Саодат» журнали обуначилари сафи бир ярим миллионгача бориб етди. Ҳар йили ўн мингтадан ошиқ мактуб олардик. Жавоб ёзишга улгурмай, даста-даста хатларни уйга ҳам олиб келиб, муносиб жавоблар юборардик. Ўз дардини ёки жойлардаги ноҳақликни айтгани келганларга ёрдам қўлларимизни узатиб, имкон қадар уларни хурсанд ҳолда жўнатардик.

— Пахтакор аёлни ёзмоқчимисиз, сиз, албатта, у билан дала кезинг, — дердилар Зулфия опа, — эринмай суҳбатлашинг. Дала шийпонида биргалашиб тушлик қилинг. Бошқа қизлар, аёллардан ҳам гап олинг. Кечқурун эса марказдаги шинам меҳмонхонада эмас, ўша пахтакор аёлнинг уйида тунаб қолинг. Уйдагиларга муносабати қандай, уй тутуми-чи? Ўрганасиз. Дарди бўлса тингланг, юпатинг. Йўл-йўриқ кўрсатинг. Хуллас, ўша аёл юрагида бир чимдим бўлса-да, нур қолдиринг...

Шундай иш тутиб кам бўлмадик.

* * *

Зулфиянинг сийму зари шеърият, саждагоҳи Ватан, юзлаб шоира қизлари фахри-ифтихорига айланди. Шоира тинмай ишлади, достонлари, жаҳон адабиётидан таржималари, Ҳамид Олимжоннинг «Зайнаб ва Омон» достони асосида ёзган саҳна асари халқимизнинг маънавий мулкига айланди. Шоира номини нафақат Ўзбекистон, бутун дунё таниди. Ватанимизнинг ўнлаб мукофотларига, нуфузли халқаро совринларга, шараф-шонларга сазовор бўлди. Қўйинг-чи, Зулфияхоним XX аср ўзбек адабиётининг йирик адиблари Ойбек, Ғафур Ғулом, Миртемирлар сафидан дадил жой олди. Зулфия дунёнинг барча илғор фикрли адиблари Чингиз Айтматов, Расул Ҳамзатов, Тихонов, Симонов, Кўғултинов, Қулиев, Мустай Карим, Абашидзе, Дилбозий, Межелайтис, Вера Инбер, Сажжод Зохир, Муйин Бсису, Файёд, Амрита Притам, Неруда, Нозим Ҳикмат, Кербобоев, Файз Аҳмад каби энг улуғ ижодкорлар даврасида эъзозланди. Уларни мушоирага чорлади. Мушоираларда озодлик, биродарлик, тинчлик, аҳиллик ғоялари пишиб етилади, деди.

Биз опа билан катта davраларга, кўп учрашувларга бирга борганмиз. Атоқли шоирани кўриб, лиқ тўла залга сиғмаган ҳаяжонлар тўлқини қалқиб кетарди. Айниқса, шоира бўлиш орзусида ёнган қизларнинг кўзлари юлдуздек чақнаганини кўрардик. Опа минбарга чиққанида бутун зал нафас олмай қўярди, гўё.

Зулфия опа одамлар ҳароратидан яшнаб, яшариб, куч-қудратга тўлиб, шеърлар ўқигач, эндигина танила бошлаган қизларни ёнларига чорлар, шеър ўқитиб, тинглар, кейин яхши фикр айтиб, пешоналаридан ўпиб, ўзларига берилган гулларни ўша қизларга улашар эдилар. Уларнинг шеърларидан танлаб, «Саодат» журналига олиб ҳам кетардилар.

Шоира ҳузурига нафақат ўзбек қизлари, шеър ишқида ёнган қорақалпоқ, қирғиз, қозоқ, туркман ва бошқа миллат қизлари ҳам келишарди, катта шоирани кўриб, суҳбатлашиш, ундан сабоқ олиш ниятида. Улар ҳозир нақадар эътиром билан устоз номини ёдга оладилар.

* * *

Устоз ўзига хос меҳр-оқибатга эга эди. Биз — ижодкор аёллар фарзанд кўрсак, келин туширсак, қиз узатсак, қўлларида совға-салом билан ажиб бир файз тўкиб, тўйга келолмасалар, кейин уйларимизга кириб келардилар. Ширин сўзларини, тилакларини, иззат-икромларини ҳеч аямасдилар. Биз ота-она, қайнона-қайнотани, жигаргўшаларни эъзозлашни ҳам устоздан ўргандик. Устоз бир умр ўз ота-онаси ёди билан ҳам шикаста эди. «Гуллаган ўрикдай ораста, доноликда ягона» оналарини, «пўлат эритиб, болаларига нон топган, жони метиндан, қаноатдан яралган» оталарини, султонликка лойиқ акаларини кўп хўрсиниб эслардилар. Ҳамид Олимжоннинг оналари Комила бибини «Аям, аяжоним, қадрдоним!» деб эъзозлардилар. Қайнона-келин деярли қирқ йил бир-бирини авайлаб, ардоқлаб, ҳамфикр, ҳамроҳ бўлиб яшадилар.

* * *

Табиатнинг хуш соатларида, баҳор билан баробар туғилган, баҳордек суюкли бўлиш бахтига эришган аллома устозимиз «Келдинг-ей, Истиқлол, истиқбол бўлиб, қалбимга насиминг билан йўл солдинг!» дея ҳурриятни қучоқ очиб, алёр айтиб кутиб олди. Нодира-ю Увайсий, Анбар отин учун ҳам ўзлигини намоён эта билди. Ва устоз ҳамон ўзлари айтганларидек: «Ўтлиғ кўнгил, ёруғ юз билан» қалбимизда яшаяпти.

* * *

Ватанимиз, халқимиз ҳаётида ўчмас из қолдирган атоқли адиблар, фан ва маданият намояндаларининг хотирасини абадийлаштириш, меросини асраб-авайлаш ва ўрганиш борасида катта ишлар амалга оширилмоқда. 2008 йил 1 март — шоира таваллуд топган кунда пойтахтимизда Зулфия ҳайкали тантанали очилди. Академик шоир Ғафур Ғулом айтганидек, «Покиза Шарқ намоён бўлди, унинг покиза сиймосида!» Халқ, мухлислар бу тантанани ниҳоятда хурсанд бўлиб кутиб олдилар.

«Буюкларга нима учун ҳайкал қўядилар?» Худди онамдек юрагимга яқин, устозим, шоира Зулфия ҳайкали қошида шу саволимга жавоб топгандек бўлдим.

Ҳа, буюклар ўзларининг теран инсоний фазилатлари, мумтоз ижоди, она Ватанга чексиз муҳаббати, қўйинг-чи, барча эзгу ишлари билан яна кўз ўнгимизда, қалбимизда намоён бўлиб, бизга ибрат бўладилар. Дилимизга ғурур, ифтихор, ғайрат бағишлайдилар. Огоҳликка, ҳаётни, одамларни севиб яшашга яна бир бор даъват этадилар. Ҳақиқатнинг, ҳақ сўзнинг, гўзалликнинг боқийлигини, умр ғаниматлигини эслатиб-эслатиб турадилар. Хуллас, бизга мактаб, дорилфунун бўлиб, кўз ўнгимизда ҳамон савлат тўкиб яшайдилар.

* * *

«Зулфия!» Бу гўзал исмда биз истаган, биз ўрганадиган, биз ардоқлайдиган барча фазилатлар мужассам эмасми?!

Қани энди шунчалар обрў-эътибор, ардоқ топа олган, элу юртга ибрат бўлиб яшайдиган шоираларимиз, орифаю олималаримиз кўп бўлса. Истиқлол шарофати билан юртимизда Зулфия номидаги Давлат мукофоти таъсис этилди. Мана, ўн йилдан ошибдики, бул табаррук мукофотга сазовор бўлаётган гўзал, лобар, истеъдодли қизларимиз сафи ортиб боряпти. Зеро, устоз ҳам бир умр дадил, ўз фикрига эга, истеъдодли қизлар кўп бўлишини орзу қилиб, шу йўлда фидойилик намунасини кўрсатган эдилар.

Таниқли ижодкорларимиздан бири Зулфия ижодини самимият дурлари тўкилиб турган азиз бир боғга ўхшатганида жуда катта маъно бор. Бу боғ дурларидан яна қанча-қанча авлодларимиз баҳраманд бўладилар. Шоира ёзганидек:

***Кел, куйсиз юракка***
***қўшиқ бағишлаб,***
***Кулгисиз лабларга***
***ўргат табассум.***
***Бахтинг соч, дард бўлса***
***тишингда тишлаб***
***Енга олсанг енгу бўлма***
***ҳеч таслим!***

Куйсиз юракларга қўшиқ ўргатган, дардини тишида тишлаб ижод этган шоира ҳаётнинг ҳар қандай синовларига таслим бўлмай яшади, юракларда мангу қолди!

**Санъат МАҲМУДОВА**

## Садоқат куйчиси

Андижон шаҳрида Ўзбекистон халқ шоири, давлат мукофоти соҳиби, вафо ва садоқат куйчиси Зулфия таваллудининг 100 йиллиги кенг нишонланди. Ўзбекистон "Адолат" СДП сафидаги ижодкорлар ҳам шоира таваллуд кунига бағишлаб ўтказилган тадбирларда фаол иштирок этдилар.

Бобур номидаги вилоят мусиқали драма ва комедия театрига адабиёт ихлосмандлари, жамоатчилик вакиллари жам бўлдилар.

Иштирокчилар Зулфиянинг ҳаёти ва ижоди бугунги ёшларга, ҳар бир инсонга ибрат мактаби эканлигини таъкидладилар. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али, Ўзбекистон халқ шоири Тўлан Низом, шоиралар Қутлибека Раҳимбоева ҳамда Мунаввара Тошпўлатовалар устоз ҳақидаги хотиралардан сўзлаб, ўз шеърларидан ўқиб бердилар.

— Ҳассос шоира Зулфия ижоди бебаҳо манба саналади. Айниқса, юртга меҳр-муҳаббат, вафо ва садоқат бобида у ўзига хос мактаб яратган, — дейди улуғнорлик шоир, партия фаоли Мўминжон Сатторов. — Шу боис ёшлар шоира ҳаёти ва ижодини ҳар қанча севиб ўрганса, уларнинг билими ва маънавий дунёси бойиб боради.

Тадбир доирасида Зулфиянинг ҳаёти ва ижоди мавзусида "Садоқат" номли саҳна кўриниши намойиш этилди.

Театр фойесида Андижон санъат коллежи ўқувчилари томонидан расмлар кўргазмаси ташкил қилиниб, улар Зулфия ва Ҳамид Олимжон сиймоларини шу ернинг ўзида чиздилар.

**Акбаржон НАЗАРОВ,**
«Adolat» мухбири

Reklama

## "Микрокредитбанк" сармоялари аҳоли фаровонлиги йўлида

MIKROKREDITBANK

"Микрокредитбанк" АТБ кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожи учун янада қулай шарт-шароитлар яратишга, юртимизда ишбилармонлик муҳитини кучайтиришга, аҳолининг кам таъминланган қатламига кўмак бериш ва уларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллигини ошириш ҳамда янги иш ўринлари ташкил этиш масаласига алоҳида эътибор қаратиб келмоқда.

Хизматлар лицензияланган

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, банк томонидан 2014 йилда мижозларга 296,8 миллиард сўм миқдорида микромолиявий хизматлар кўрсатилди. Жорий йилда эса кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кўрсатиладиган микромолиявий хизматлар миқдори 358,5 миллиард сўмга етказилиши режалаштирилган. Унинг 50 фоизи четдан жалб этилган ресурслар ҳисобидан қайта молиялаш ставкасида амалга оширилиб, имтиёзли фоизларда берилади.

— Биз бир неча йиллардан буён "Микрокредитбанк" АТБнинг молиявий хизматларидан фойдаланиб келяпмиз, — дейди "Боёвут барака нон" МЧЖ раҳбари Шерали Қорабеков. — Чунки банк кредит фоизи қийматининг пастлиги бизга жуда манзур ва уларни олиш тартиби ҳам анча соддалаштирилган. Корхонамиз нон маҳсулотлари тайёрлашга ихтисослашган. Ўтган 2014 йилда ишлаб чиқариш қувватини ошириш ниятида банкдан 31 миллион сўм кредит маблағи олиб, замонавий технологик ускуна ва жиҳозлар харид қилдик. Бунинг натижасида иш самарадорлиги ошиб, қолипли нон маҳсулотлари турини кўпайтиришга эришдик. Ўз навбатида, ташкил бўлган янги иш ўринларига коллеж битирувчиларини қабул қилдик.



"Микрокредитбанк" АТБ томонидан 2015 йилда ҳам ушбу йўналишдаги ишлар изчил давом эттирилиб, юртимиздаги чекка ҳудудлар аҳолисига етказиш мақсадида оилавий тадбиркорлик, касаначилик, соҳага оид янгиликлар юзасидан учрашув, давра суҳбати, семинар-тренинглар ташкил этилади.

Жорий йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳолини иш билан таъминлаш, хотин-қизлар тадбиркорлигини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида ажратиладиган кредитлар миқдорини 90,0 миллиард сўмга етказиш кўзга тутилган.

Ўрта махсус касб-ҳунар таълим маркази билан ҳамкорликда 2015 йилда "Банк ва коллеж ҳамкорлиги" лойиҳаси доирасида меҳнат бозорига янги кириб келаётган ёшлар тадбиркорлигини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида 45,2 миллиард сўм миқдорида кредитлар ажратилади. Ушбу сармоялар 2014-2015 ўқув йили касб-ҳунар коллежи битирувчиларининг бизнес лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтирилади.

Шунингдек, аҳолига хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга 100,8 миллиард сўм, оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни ривожлантиришга 60,1 миллиард сўм миқдорида, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларга 124,6 миллиард сўм, ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларга 99,1 миллиард сўм миқдорида кредитлар ажратилиши белгиланган.

**Абдуғани СОДИҚОВ,**
«Adolat» мухбири

## НАФИСЛИК ВА САЛОМАТЛИК АСОСИ

Яқинда Ўзбекистон Миллий университети спорт мажмуасида 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни олдидан "Спорт – нафислик ва саломатлик асоси" шиори остида спорт фестивали бўлиб ўтди.

«Спорт — нафислик ва саломатлик асоси» фестивалидан кўзланган асосий мақсад ҳам спортнинг оммавийлигини ошириш, барча ёшдаги хотин-қизларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиши учун шароит яратишдан иборатдир. Фестивалда Ўзбекистон Республикаси Адлия, Ички ишлар, Мудофаа, Фавқулодда вазиятлар, Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирликлари, Давлат статистика қўмитаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ходималари спортнинг волейбол, стол тенниси, шашка, дартс, гимнастрада каби турлари бўйича куч синашди.

Фестиваль якунида «Энг аҳил жамоа», «Жамоанинг ғалабага бўлган ишончи», «Энг қизиқарли ўйин кўрсатган жамоа», «Энг қувноқ жамоа», «Энг тезкор жамоа», «Энг интизомли жамоа» сингари ўн икки номинация бўйича ғолиб ва совриндорлар аниқланди. Уларга тадбир ташкилотчиларининг диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

**Нилуфар МИРЗАЕВА,** «Adolat» мухбири




МУАССИС:
Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши

Бош муҳаррир: Ислом ҲАМРОЕВ

Таҳрир ҳайъати:
Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА
Наримон УМАРОВ
Собир ТУРСУНОВ
Абдукамол РАҲМОНОВ
Зуҳра БОТИРОВА
Мамазоир ХЎЖАМБЕРДИЕВ
Қодир ЖЎРАЕВ
Муҳаммад АЛИ
Талъат МУРОДОВ
Тошпўлат МАТИБАЕВ
Алишер МЎМИНОВ

Бўлимлар:
Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — *288-46-54* (149); Котибият — *288-42-14* (144); Ахборот, ҳуқуқ ва хатлар бўлими — *288-42-12* (146); Қабулхона — *288-42-23*; *288-42-12* (141) факс; Реклама бўлими — *233-41-89.*

**Навбатчи муҳаррир** — Дилором Маткаримова
**Навбатчи** — Суюндик Мамиров

«Adolat»дан кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган
**Таҳририят манзили:** *100043, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани «Шарқ тонги» кўчаси, 23-уй.*
info@adolatgzt.uz / adolat_gazeta@mail.ru

*Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган.*

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Қоғоз бичими А-2. Ҳажми — 4 босма табоқ. Офсет усулида босилган.
Буюртма Г — 200. Адади — 14055
Босишга топшириш вақти — 21.50
Босишга топширилди — 22.20
*Баҳоси келишилган нархда*

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100
ISSN 2091-5217
1 2 4 5 6